

2022

йил — Инсон  
қадрини улуғлаш ва  
фаол маҳалла йили

“Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади. Шунинг учун ҳам барчамиз — Президентдан тортиб энг куйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар ана шу олий мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

# YANGI SIRDARYO

Жамият — ислохотлар ташаббускори

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета



Муассис: Сирдарё вилояти ҳокимлиги

№ 9 (11560) 4 МАРТ 2022 ЙИЛ, ЖУМА

Sirdaryo24.uz Sirdaryo 24 Sirdaryo 24 Sirdaryo 24



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



хокими Ғофуржон Мирзаев вилоятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол катнашаётган хотин-қизларни байрам билан муборакбод этиб, “Хотин-қизларни эъзозлаш ҳафталиги” доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг юксак савияда ташкил этилаётганлиги, уларда воҳамиздаги барча аёлларга — мунис онахонларга, азиз опа-сингилларга, дилбар қизларимизга эҳтиром кўрсатилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Аёллари эъзозланган мамлакатда фойз-у барака, тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, хотин-қизларга ҳар жиҳатдан

ҳукукий ҳужжатлар қабул қилиниб, айни пайтда муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, куни кеча мухтарам Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича энг долзарб вазифалар белгилаб берилди, — деди Ғ.Мирзаев.

Вилоят ҳокими байрам катнашчиларини, улар орқали воҳамиздаги барча аёлларни нафосат ва гўзаллик айёми билан қутлар экан, энг яхши тилақларини, ниятларини изҳор этди.

Тантана иштирокчилари гулдасталар ва эсдалик совғалари билан сийландилар. Тадбир сўнггида вилоят санъат усталари, ёш хонандалар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.



ҳурмат-эътибор кўратиш, уларни қўллаб-қувватлаш давлатнинг инсонпарварлик сиёсатидан далолат, жамиятда меҳр-оқибатлилик муҳити устуворлигидан дарак. Мамлакатимизда ҳам хотин-қизларга кенг имконият яратиш, уларнинг ўз салоҳиятини намоеъ этиш учун зарур шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айнан ушбу йўналишга қаратилган қатор

Ҳа, чиндан ҳам бизнинг аёллар эҳтиромга, эъзозга ҳар жиҳатдан лойиқдир.

Айни кунларда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилаётган бу каби тантаналарда воҳамиз аёлларига мана шундай чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Тасвирчи: Фуркат ТОШМАТОВ.

## Аёлга бахт беринг

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг, юрибди-ку қулиб жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Гар кўзлари қулиб турса-да, Бўғзининг остида неча минг хасрат, Ой юзлари қулиб турса-да,

Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда, Қўлини силашга шарофат топинг. Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда, Ёшини артишга мурувват топинг.

Ногоҳ ерга тушса оппок рўмоли, Босиб ўтмасликка шафоат топинг, Чақалоқ ялаган этакларини Тоза деб айтишга адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг юрибди-ку қулиб, жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Иллоҳи нур топинг, хидоят топинг. Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан, Бахтиёр ўтмоқка иноят топинг.

Иллоҳи калконсиз, иллоҳ кўрғонсиз, Ғийбатлар йиртмасин қўйлақинасин, Иллоҳи хушёрсиз, иллоҳ бедорсиз. Итлар тишламасин юраккинасин.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг. Тоғ кимирлаб, тошлар сўзга кирса-да, Аёлга бахт беринг, саодат беринг. Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.

Зулфия МҶМИНОВА.



**Сув тежовчи технологиялар — юқори ҳосилдорлик гарови.**

Яқинда бўлиб ўтган пресс-турда бу фикрнинг аҳамиятлилиги хусусида сўз юритилди

3-саҳифада



**Нурлар булогидан бахт топган инсон**

8-саҳифада



**Кўкламнинг илк айёми — зоят шуқуҳли**

10-саҳифада



**Мени кўкка олиб учинг**

12-саҳифада



## Ёш олимлар тақдирланишди

Гулистон давлат университетининг жорий йил 26 февралда ўтказилган навбатдаги Кенгашида 2021 йилда фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини муносиб ҳимоя қилган қуйидаги ёш олимлар тақдирланишди:

Насиба Абдукадирова (PhD) - Таълим ва тарбия назарияси, Шохид Абдуразакова (PhD) - Таълим ва тарбия назарияси, Султон Тишликов (PhD) - Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларни қайта ишлаш, Гулжаҳон Норимова (PhD) - Таълим ва тарбия назарияси, Ойбек Юнусов (PhD) - Ўсимликлар биокимёси ва физиологияси, Икром Жўраев (PhD) - Ўзбекистон тарихи, Муборак Шодмонкулова (PhD) - Ҳоҷлар тарихи ва методологияси, Дилфуза Шавкеева (PhD) - Таълим ва тарбия назарияси, Муҳаммад Ниёзов (PhD) - Электрон таълим назарияси ва методикаси.

Университет ректори, техника фанлари доктори, профессор М.Т.Ходжиев уларни табриклаб, эришган ютуқлари билан муборакбод этди ва келгуси фаолиятларида улкан зафарлар тилади.

ГулДУ ахборот хизмати.

Кўпинча баҳорда рўй берадиган гиповитаминоз ва иммунитетнинг пасайиши ҳолсизланиш, ўта чарчоқлик, сержаҳллик, бош оғриғи ва бош айланмиш ҳолатлари билан намоён бўлади. Бу муаммони бартараф қилишда витаминлар, минераллар, озуқали моддалар ва ўсимлик толаларига бой бўлган турли хил озиқ-овқатлар ёрдам бера олади.



## Соғлом овқатланиш ва руҳият

Бирок, бу ҳар қандай тажовуз ёки ёмон кайфиятни фақат очлик билан изоҳлаш мумкин дегани эмас.

Сабзавот ва витамин, оксилларга бой маҳсулотлар руҳий саломатликка фойда келтириши ва депрессия ва ташвишлардан ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Бир томондан, ошқозон ва мия ўртасидаги ўзаро таъсир, иккинчи томондан, пархез ва руҳий саломатлик замонавий биологик психиатриядаги энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан биридир.

Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, пархез ва овқатланиш нафақат инсоннинг физиологияси ва тана тузилиши учун муҳим аҳамиятга эга, балки унинг кайфияти ва руҳий саломатлигига ҳам таъсир қилади. Организмда озуқа моддалари ва витаминлар етишмаслиги охир-оқибатда руҳий бузилишларга олиб келади. Асабийлашиш, стресс ва депрессия ҳолатлари содир бўлмаслиги учун соғлом овқатланишга эътибор беришингизни сўраймиз. Зеро, юқори кайфият иш унумдорлигини оширади ва жамоада ижобий муҳитни шакллантиради.

Музаффар ИРСАЛИЕВ,

Оқолтин туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби амалиётчи психологи.

## АЙТГАННИ ҚИЛСАК АГАР...

Фарзанд дунёга келганида ҳеч ким унинг келгусида ёмон ишлар қилишини, ёмон деган ном олишини асло хоҳламайди. Шу аснода ҳар бир ота-она, тарбиячи, жамият ҳар бир боланинг шахс бўлиб камол топиши, Ватан ва халқ учун хизмат қилиши йўлида ҳаракат қилади. Ва ҳар бири ўз топшириқларини унинг зиммасига вазифа қилиб юклайди. Мақсад тўғриликка юз тутсин, дунё саодатидан баҳраманд бўлсин, бахтли ҳаёт кечирсин. Демак, хоҳлаймизми ёки йўқми, бу дунёда токи бормиз, умр ибтидо-сидан то адоғигача фақат ўзгаларнинг айтганини қилиб яшар эканмиз. Бизнинг бахту иқболимиз, ҳаётда нимагадир эришимиз, ўз ўрнимизни топишимиз бошқаларнинг айтганларини нечоғлик қилганимизга том маънода боғлиқ.

**Менинг айтганимни қилдингми? Мен буюрган ишларни бажардингми? Мен айтган ишлар нима бўлди?...**

Шу аснода инсон ҳамиша ўзгаларнинг айтгани ва буюрганини қилиб яшашга маҳкум. Бу қарамлик икки томонлама манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Инсон руҳияти соғ бўлиши учун, калб эҳтиёжини қондириш учун иймонга ошурга бўлади. Иймон эса, эътиқодга ундайди, эътиқод эса, Аллоҳга ибодат қилишдан иборат. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасининг 2-5-оятларида шундай марҳамат қилади: **“Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир. Улар гайбга**

**иймон келтирурлар, намозни тўқис ўқирлар ва Биз уларга берган ризқдан нафақа қилурлар. Ва улар сенга ва сендан олдин нозил қилинган нарсаларга иймон келтирарлар ва охиратга аниқ ишонарлар. Ана ўшалар Роббиларидан бўлган ҳидоятдадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина нажот топгувчилардир”**. Демак, нафақат бу дунё балки у дунё саодатини ҳам ундан сўраймиз. Аллоҳнинг айтганини қилсак, у ҳам бизга шундай (аксинча бўлса, аксинча) жавоб қайтаради, деб ишонамиз. Натижа “Менинг Аллоҳим – менинг бандам”.

Ҳар бир фарзанд муайян оилада камол топиб, ота-онанинг айтганини қилмоғи ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги ёшлиқдан болалар сингдириб борилади. Натижада фарзанднинг салоҳиятли бўлиши ота-она учун раҳмат олиб келса, фарзанд учун жамият ҳаётида ўз ўрнини топишида мустаҳкам замин яратади. Натижа “Менинг ота-онам – менинг фарзандим”.

Инсон ёшлигидан таълим-тарбияга муҳтож ва бунинг учун албатта, мураббий кўмаги зарур. Шу сабабдан ҳар бир ўқитувчи, мураббий ўз ўқувчиси, лозим бўлса, шогирдини билимли қилишга, бошқалардан бир поғона устун бўлиши учун бор ғайрату, шижоатини, заковатини сарфлайди, десак, муболаға эмас. Натижа “Менинг шогирдим – менинг Устозим”.

Ҳаёт эканмиз, ҳар биримиз муайян соҳа вакили сифатида фаолият олиб борамиз. Меҳнат қилиш асно раҳбарнинг сўзини икки қилмаймиз. Бу эса

### Ёрқин фикр

рахбарнинг олдидаги мавқеимизни мустаҳкамласа, унинг ҳам сизга бўлган ишончи ортишига хизмат қилади. Пировардида яхши маош, яхши дам, имтиёзлар ва бошқалар. Натижа “Менинг раҳбарим – менинг ходимим”.

Биз ўзимизнинг қисқа баёнимизда инсон ва унинг ҳаёти давомида учрайдиган асосий манфаатли “ҳамкор”лари билан фойдали алоқаларни айтиб ўтишга ҳаракат қилдик. Биз бу ҳамкорликни “хурмат қилсанг, хурмат топасан” қабилида, ёки бошқа ўзимизга мос бўлган нақлларга ҳам ўзгартириб олишимиз мумкин. Албатта биз кимнингдир айтганларига риоя этишимиз уларда юксак ғурур ва ифтихорни уйғотади. Ўзимиз ҳам уларнинг айтганини қилиб кам бўлмаганимизни эътироф этишдан чарчамаймиз. Шундан фикрлардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, умримиз давомида сўраладиган “менинг айтганимни қилдингми”?.. — деган сўроқ ва “менинг айтганимни қилсанг ёки...” — деган жавоб бизни ўйга толдириши табиий...

Айтганини қилсак, икки дунёимиз яхши бўлишига умид қилган ҳолда биздан катта ва ҳаётда етарлича билим, кўникма, малакага эга бўлганларнинг буюрганини қилайликки, улар бизга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. (Ҳарқалай шунга умид қиламиз).

Камдан кам ҳолатда “сен нимани хоҳлайсан?” деган савол берилиши мумкин. (Бу эса алоҳида мавзу).

**Баҳром БОЙМУРОДОВ,**  
Оқолтин туманидаги  
13-умумий ўрта таълим  
мактаби ижодий-маданий  
масалалар бўйича тарғиботчиси.



## Журналистлар дунёни ўзгартиришга қодирлар, лекин...

• Матбуотдан шикоят қилган сиёсатчи тўлқиндан шикоят қилган кема капитанга ўхшайди.

**Энох ПАУЭЛЛ,**  
британиялик сиёсатчи.

• Эркин матбуот яхши ёки ёмон бўлади, бу аниқ. Эркин бўлмаган матбуот эса фақат ёмон бўлади.

**Альбер КАМЮ,**  
фаранг адиби.

• Яхши газета — бу ўзи билан ўзи гаплашадиган миллатдир.

**Артур МИЛЛЕР,**  
Америка адиби.

• Америкада Президент давлатни тўрт йил, журналистлар эса муддатсиз бошқаради.

**Оскар УАЙЛЬД,**  
инглиз адиби.

• Мен дунё қалбига максимал даражада яқин бориш учун журналист бўлдим.

**Генри ЛЮС,**  
Америка журналисти, “Time”,  
“Fortune” ва “Life” журналларининг  
асосчиси.

• Сизнинг мақсадингиз дунёни ўзгартириш бўлса, журналистика — бу йўлда энг яхши таъсир кўрсатадиган ва тезкор қуролдир. Мен бунга астойдил аминман.

**Том СПОПАРД,**  
британиялик драматург, режиссёр, киносценарист ва танқидчи  
Рус тилидан Муҳаммадали АХМАД  
ўзбекчалаштирди.



## СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

*Яқинда бўлиб ўтган пресс-турда бу фикрнинг аҳамиятлилиги хусусида сўз юритилди*

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциянинг Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан журналистлар ва блогерлар учун яқинда “Сувдан фойдаланиш ва сув объектларини тозалаш ишлари доимо назоратда” мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Тадбирда сув ва сув иншоотларидан фойдаланиш, сувни тежаш, сув исрофгарчилигининг олдини олишда сув тежовчи технологияларнинг афзаллик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Пресс-тур жараёнида “Ўзагроинспекция”нинг Сирдарё вилояти бошқармаси сув ресурслари устидан назорат қилиш бўлими ходимлари томонидан давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ижроси, сув тақсимотини рақамлаштириш, сувдан фойдаланишда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини воҳамизда кенг жорий этиш масалалари бўйича маълумот берилди.

— Сўнгги йилларда сувга бўлган эҳтиёж бир неча маротабага ортиб, вилоятнинг йиллик эҳтиёжи 1997,0 миллион метр куб секундни ташкил этади, — дейди “Ўзагроинспекция”нинг Сирдарё вилояти бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўлими катта инспектори Мамарасул

Дўстмуродов. — Сирдарё воҳасига Сирдарё дарёсидан ҳар йили 1600,0 миллион метр куб секунд атрофида сув чиқарилади. Афсуски, бугунги глобал иқлим ўзгаришлари туфайли сув сарфи ошган. Аммо сув манбасининг етарлича эмаслиги сабаб, турли муаммолар юзага келаётир. Бунинг олдини



олиш мақсадида вилоят ирригаторлари аниқ режа-тадбир асосида етишмаётган 397 миллион метр куб секунд сув ўрнини тўлдириш мақсадида тежамкор технологиялардан ва тик қудуклардан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик соҳасида тарғиб этиш устида изчил излашларни олиб боришмоқда.

Тадбир иштирокчилари соҳа ходимлари ҳамроҳлигида Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқар-

маси тизимидаги Дўстлик канали, Гулистон сув иншоотлари фаолияти билан танишишди.

— Вилоятдаги Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли, Дўстлик каналидаги иншоотлар 110 йил аввал ишга туширилган бўлиб, шу вақтга қадар қўл бошқаруви ҳамда тахминий ўлчовлар асосида ишлатилар эди, — дейди Гулистон Сув иншоотлари ва Дўстлик канали бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азамат Жўрабаев. — 2020-2021 йилларда, бу тизимда ҳам кенг қамровли қуриш ва таъмирлаш ишлари ташкил этилди. Ва натижада сув тақсимоти билан боғлиқ ишлар тўлиқ автоматлаштирилди. Сув сатҳини ўлчаш, таҳлил қилиб боровчи қурилмалар ўрнатилиб, сув дарвозалари автоматлаштирилгач, Марказий ўнг тармок канали орқали Мирзаобод, Гулистон, Сайхунобод, ва Сирдарё туманларидаги йирик саноат корхоналарига юқори аниқликда сув етказиб бериш имконини берди. Бунда бизга, компьютерлаштирилган “Ақлли сув” дастури қўл келди.

Айни вақтда “Ўзагроинспекция”нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари “Сирдарё мелиоратив экспедицияси” ташкилоти билан ҳамкорликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш, ерости сизот сувлари сатҳини кузатиб бориш ва минерализациясини аниқлаш, тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш, мавжуд коллатор-дренаж тармокларини техник

ҳолатини кузатиш, сув туз балансини назорат қилиш мақсадида катор дастурларни ҳаётга татбиқ этипти. Бу эса, мавжуд экин экилиши кўзда тутилган ва суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражасини камайтириш, кучсиз шўрланган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, ўртача шўрланган ер майдонларидан юқори ҳосил олиш имконини берапти.

Мисол тариқасида айтганда, биргина ўтган йили вилоятдаги фермер хўжаликларнинг 5637 гектар ер майдонига сув тежовчи технологияларнинг ўрнатилиши натижада 14,1 миллион метр куб секунд сув иқтисод қилишга эришилди. Бу албатта, яхши натижа. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади ва натижада 26 минг гектар ер майдонига томчилаб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари ўрнатилиб, 65 миллион метр куб секунд сув иқтисод қилиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Ушбу ишлар белгиланган режа асосида вилоятда тўлиқ жорий қилинса, нафақат сув ресурслари тежалади, балки деҳқон фермер ёз чилласида сув танқислигига дуч келмай, эккан экинидан юқори ҳосил олишга эришади.

Ўтказилган пресс-тур давомида сув ва сув тежовчи технологиялар, уларни экин экиладиган ер майдонларига жорий этиш ва ўрнатиш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ходимлари — журналистлар ва блогерларнинг саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Ғулом ПРИМОВ.**

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Тасвирчи: Фурқат ТОШМАТОВ.**

### Фуқароларда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига таъсир этиш имконияти вужудга келади

Аҳолини рўйхатга олиш, аввало, давлат ёки ҳукумат эмас, балки жамиятнинг ўзи учун зарур бўлиб, у вақти-вақти билан ўз-ўзини кўзгуда қўриш орқали ривожланиш натижаларини баҳолаш имкониятидир. Рўйхатга олишда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлари мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Мисол учун, ишсизларнинг сўровномадаги жавоблари меҳнат бозорини ўрганиш ва айнан керакли жойда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва шу каби муассасалар қурилиши режаларини тузишда қўл келади. Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқадиганлар сони, уларнинг пенсия тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бориш имконини беради. Ҳар йили мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар биримизнинг уйимизгача келадиган йўллар қурилиши, коммуникациялар билан таъминлашни режалаштириш учун зарур. Ушбу тадбирларнинг аҳамиятли шундаки, улар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўплашга эришамиз. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизнинг кейинги демографик ва ижтимоий сиёсатини белигилаш билан бирга, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ҳамда дастурларини тузишда кенг қўлланилади. Кейинги ўн йилликка мўлжалланган оилаларни қўллаб-қўвватлашга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантириш, шифохоналар, болалар богчалари, мактаблар ва уй-жой қурилишини режалаштиришда фойдаланилади. Рўйхатга олиш натижасида шакллантириладиган мамлакатдаги иш берувчилар ҳақидаги маълумотлар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўл очади. Бизнес вакиллари рўйхатга олиш маълумотлари орқали меҳнат ҳамда истеъмол бозорининг ҳолатини баҳолаш, талаб ва таклифлар эҳтиёжини аниқлаш имконига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли тўғрисида тўпланадиган маълумотлар барча соҳаларни ривожлантириб, мамлакатни янада тараққий эттиришга, жаҳон майдонида Янги Ўзбекистоннинг янги кифёсини акс эттирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

**Сардоба туман Статистика бўлими**

## ОЛОВ

*Зулайхо хожки онамнинг ҳикматлари:*

— Ҳеч бир она ўз боласини ёмон бўлсин дейдими? Ёмон йўлга юрсин дейдими? Ёмон йўлга бошлайдими? Ёниб турган оловга ўзини ташласа ташлайдики, боласини ташламайди. Худо ҳам шундай! Бандаларим тўғри йўлда юрсин дейди, ёмон йўлда юрмасин дейди, шайтонга эргашмасин дейди, бировга ёмонлик қилмасин, бировга чоҳ қазимасин, бировни алдаб, пулини емасин, эртага жавоб бериб, дўзах оловида ёнмасин, дейди. Она ўз боласини оловга ташлашни истамагандай, Худо ҳам бандаларини жаҳаннам ўтида ёниб

—қуйишини истамайди. Бу дунё ҳадемай ўтиб кетади, ҳар бир банда қилган ишига жавоб беради. Ҳаммамиз Худонинг ҳузуридан келдик, Худонинг ҳузурига кетамиз! Бу дунёга ҳаммамиз меҳмонмиз. Бировнинг уйига меҳмонга борган одам қанчалик одоб билан келиб, одоб билан кетиши керак бўлганидай, биз ҳам бу дунёга “Қуръон”нинг одоби билан келиб, “Қуръон”нинг одоби билан кетишимиз керак, ким кимгаки нимаики яхшилиқ қилган бўлса, ўзига қилган бўлади, ким кимгаки нимаики ёмонлик қилган бўлса, ўша ёмонликни ўзига қилган бўлади, — деган эдилар.

**Мухаммад ИСМОИЛ**

## Баҳоройим, хуш келдинг!

Юртимизга уйғониш, яшариш, янгилашиш фасли баҳор кириб келди.

Кўкламойим, кадамингда гуллар очилсин, ташрифингдан жаннатмакон юртимизнинг ҳар қарич ери чаманларга, боғларга айлансин.

**Ўлкамга гул юзли “келин” келди,**

**Ялпизнинг бўйини таратиб елди.**

**Яшилга буркади қирни, адирни,**

**Чақирди ёмғирни, жасани, селни.**

Янги Ўзбекистоннинг бир бўлаги бўлган воҳамизда улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари давом этмоқда. Зеро, улғу ишлар, хайрли юмушлар инсонда аъло кайфият, фахрланиш, шукроналик туйғуларини уйғотади.



**Кўкламойим, хуш келдинг,  
Кадамингда гул унсин.  
Саболардай тез елгин,  
Қирларда лола қулсин.**

Х.ЭШОНҚУЛОВА.

## Ситоранинг саодати



### Иқтидорлилар ҳаётидан

Кейинги вақтларда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмундорлиги билан аҳамиятга эга дейиш мумкин. Айниқса, ҳар бир жамиятда муҳим бўлган таълим-тарбия масаласига қаратилаётган эътибор натижаси ўларок, кенг дунёқарашли, ақл-заковатли, ҳар томонлама юқори билимга эга ўқувчи-ёшларнинг сафи кўпайиб бораётганлиги қувонарли.

Айни вақтда Президент таълим муассасалар агентлиги тизимидаги Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактабида таҳсил олаётган Ситора Наимжонова нафакат фаол, билимли ўқувчилардан, балки ижодкор ёшлардан биридир.

Бугунги вақтда Учинчи Ренессанс ижодкори сифатида ижод намуналари бир қанча марказий ва вилоят нашрларда, хусусан, “Маърифат”, “Ёшлар овози”, “Миллий тикланиш”, “Тонг юлдузи”, “Янги Сирдарё” газеталарида чоп этилди. Бундан ташқари, 2021 йил Президент таълим муассасалар агентлиги тизимидаги ижод мактаблари ўқувчиларининг ижодий намуналари ўрин эгаллаган “Ижод боғидан гулдаста” номли ўқувчилар баёзида туркум шеърлари, “Зиё нашр-матбаа” нашриётида назмий ва насрий машқлари жам-

ланган “Қулчамнинг қулгичи” илк тўплами нашр этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, у ўтган вақт давомида республика, вилоят ҳамда ижод мактаби микёсида ўтказилган бир қанча маънавий-маърифий анжуманларда, адабий-бадий кечаларда, давра суҳбатларида, хусусан, Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган “Биринчи китобим” лойиҳаси китоблар тақдимида ва “Назм ва наво” бадий кечасида, Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими билан ҳамкорликда “Тил – миллат кўзгуси”, Алишер Навоий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган “Тилга эътибор-элга эътибор” мавзусидаги вилоят тадбири, Халқаро китобхоналар куни муносабати билан “Китоб – билим булоғи” тадбирларда ижодий намуналари билан иштирок этиб, диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Мактабда тенгдошлари ва таълим муассаса ўқувчилари билан биргаликда ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган “Беш муҳим ташаббус”ни амалиётга жорий этиш мақсадида ўтказилган “Ҳоким ва ёшлар ўртасида учрашув” тадбирида шеърларидан ўқиб, йиғилганлар эътирофига сазовор бўлган. Таълим даргоҳи микёсида ўтказилган “Заковатли ижодкорлар”, “Шеър ўқиш ҳам бир санъат, беллашувга марҳамат!”, “Йўлимизга маёқ бўлинг, азиз узтоз” ижодий танловларида ғолибликни қўлга киритган.

Ижод мактабининг энг фаол ўқувчиси Ситоранинг ютуқларига бугун кўпчилик тенгдошлари хавас билан қарайди. Ижодий хислатлари билан ўрнатилган бўлиб келадиган ёш ижодкорнинг келгуси ижодий ишларига улкан парвозлар тилаб қоламиз.

**Хусниддин ҲАЙИТ,**

**Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



Баҳор завқидан баҳрамандлик...



### Туркиянинг Испарта шаҳри жаҳонда атиргул мойи ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради

Дунёнинг энг сифатли атиргуллари етиштирилаётган Испарта замини дунёда атиргул мойи ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради ва дунёдаги атиргул мойининг тахминан 65 фоизи ушбу шаҳарда ишлаб чиқарилади.

### Ёрқин фикр

## Оҳулар тўдаси

Улғу алломалардан бири подшоҳ бу уммондир, уммоннинг суви шўр бўлса, ундан оқадиган дарёларнинг ҳам суви шўр бўлади, агар чучук бўлса, дарёларнинг суви ҳам чучук бўлади, деган эди. Ҳақиқатан ҳам подшоҳ отага ўхшайди. Уйдаги ҳамма тартиб отага қараб белгиланади.

Қуш уясида қўрганини қилади, деганларидек, болалар ҳар жиҳатдан отадан ўрнат оладилар. Ота олим бўлса, болалар ҳам илм даъво қилишади, ота қаззоб бўлса, болаларга ҳам бунинг нуқси уради. Ота шайтон бўлатуриб, фаришталикни ҳар қанча даъво қилмасин, болалар унинг сўзларидан эмас, бажариб турган ишларидан намуна олишади ва шундай ҳаёт тарзини танлашади. Ха-



лифа Умар розиаллоху анхунинг улкан салтанат ҳукмдори эканига қарамай, кийишга бор-йўғи битта қўйлаги бўлганлигини ровийлар кўп сўзлашади. Халифа олган маошларини етим есирларга, фақирларга, эҳтиёжманд оилаларга тарқатар экан. Эроннинг собиқ Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот улкан мамлакат раҳбари бўлган даврларда ҳам бир умр похол шолча ва теридан тўкилган каттик ёстиқда ухлаган ва битта кийими тўзиб кетгунча ҳеч қачон иккинчисини олмаган, маошини камбағалларга тарқатган. Президентнинг турмуш ўртоғи эса мадрасада фаррош вазифасини бажарган экан. Президент мана шундай камсукум ва оддий яшагандан кейин вазирлар ҳам, ҳукумат аъёнлари ҳам ундан ўрнат олиши табиий. Шу ўринда “бизнинг раҳбарларимиз орасида шундайлари борми?”, деган ўринли савол туғилади. Ушбу мақоламизнинг ёзилишига сабаб ҳам шу. Бор экан.

Тарих саҳифаларини варақлаб, Марказий қўмита Бюросининг ғайритабиий қарорига қўзим тушиб қолди. Марказий Кенгаш Ўзбекистон Марказий қўмитаси Раиси Йўлдош Охунбобоев ўз маошини узлуксиз равишда уйга олиб келмай, етим-есирларга, чор-ночор яшаётган, кунини зўрға кўраётган одамларга тарқатиб юбораётгани учун унинг турмуш ўртоғининг шикоятига биноан ойлигининг эллик фоизини, яъни тенг ярмини аҳли аёли ўз қўли билан олиши учун махсус қарор қабул қилган экан. Бу биз фахрланишимизга арзийдиган тарихий ҳужжат. Шу юрт раҳбари шу юрт, шу халқ тимсолидир. Ўз раҳбари билан фахрланадиган миллат, ўз миллати билан фахрланадиган миллатдир. Биз нафакат айтаётган сўздан, балки қилаётган, бажараётган ишидан ҳам ўрнат олишимиз мумкин бўлган раҳбарларни бошимизга олиб келишимиз, бизга раҳбар этиб сайлашимиз Яратгандан сўраб қоламиз. Зеро, Юсуф хос Ҳожиб ҳазратлари айтади: Шерлар тўдасига Оху раҳбар бўлгандан кўра, Охулар тўдасига Шер раҳбар бўлгани афзалроқдир. Агар бу икки тўда бир-бирига қарши жангга киришса, бу жангда Шер раҳбар бўлган Охулар тўдаси, албатта, зафар қозонади, деган эдилар.

**Мухаммад ИСМОИЛ**

“Умман айтганда ҳокимият одамларни бузмайди, аҳмоқлар ҳокимиятга чиқса, ҳокимиятни бузади.”

**Бернард ШОУ.**

\*\*\*

“Инсон ақлини чархлаш йўлида қармонини бўшатар экан, ҳеч қимми унинг ақлини олиб қўйолмайди. Билимга сарфланган сармоя энг катта даромад келтиради.”

**Бенджамин ФРАНКЛИН.**

## Дадаларни мадҳ этиб...

*Оталар шаънига лойиқ сўз демоқ  
Табаррук бир китоб ёзиш билан тенг.  
Уларнинг меҳри-ку бамисли чироқ,  
Бағри ҳам юлдузли осмон билан тенг.*

*Шарқона ташбехни олсам гар ёдга,  
Бир номи бузругу бир номи фақир.  
Заминни кафтида тутиб авлодга  
Бус бутун етказган оталар ахир..*

Оталар қанчалик буюк инсонлардир. Она фарзандини тўққиз ой вужудда кўтарса, оталар фарзандлар шаънини бутун умр елкаларида кўтариб юрадilar. Ана шундай инсонларни шод қилиш мақсадида Ховос туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида “Дадажоним – суянчим” деб номланган катта тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мактабнинг Озода Назаркулова раҳбарлик қилаётган 2-“Б” синф ўқувчилари томонидан ташкил этилди.

Тадбир аввалида ўқувчилар дадаларини чиройли мусика ва кўшиқ садолари остида муносиб кутиб олишди. Дастлаб мактаб директори Тўракул Мавлонов сўз олиб, ўқувчиларнинг катта кизиқиш ва кунт билан билим олишларида оналари каби дадаларининг ўрни юкори эканлигини таъкидлаб ўтди. Катталар келажак эгалари ҳисобланган ёшларнинг тақдирига бирдек масъул эканлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг сахнага 2-“Б” синф ўқувчилари кўлларида “Дадажоним - суянчим” сўзлари ясаган ҳарфлар билан кириб келишди ва дадаларга аталган шеърларни ўқиб, барчага юкори кайфият улашди.

Ўқувчиларнинг чиқишларидан кейин тадбирнинг музика кismi бошланди. Миллий либос кийган ўғил-қизлар истеъдодли хонада Ботир Кодировнинг “Дўппи” кўшиғи янграганда биргаликда рақсга тушишди. Қизлар эса, “Сизга раҳмат айтаман, дада” номли кўшиғини

### Мактаб ҳаёти



куйлашиб, гўзал рақсга тушишди. Сўнгра дадаларни улуғлаб тайёрланган сахна кўринишларини намойиш этишди. Дадалар эса, кўзларида қувонч билан қарсақлар чалиб, фарзандларининг чиқишларидан қувонишди. Шундан кейин дадаларга аталган видеолавҳалар кўрсатилди. Сўнгра тадбир давомида дадалар сахнага чиқарилиб фарзандлари билан биргаликда кизиқарли шартларни бажаришди.

Синф раҳбари О.Назаркулова тадбирга ташриф буюрган дадаларга эсдалик совғаларини топширди. Тадбир намоишлари тугагач, мактаб тарғиботчиси Гулчеҳра Ўразова, психолог Санобар Холматовалар сўзга чиқиб, ўтказилган тадбир ҳақида ўз таассуротларини айтиб, ўқувчиларининг тиришқоклиги ва фаоллигини эътироф этишди. Тадбирда синф раҳбари Озода Назаркулованинг изланувчанлиги ва маҳоратли педагог эканлиги ҳақида илиқ фикрлар айtilди.

Тадбир кўтаринки кайфиятда якунланди.

**Ҳ.АБДУВОҲИДОВ.**

Сургада: тадбир иштирокчилари.

## Шоира номи шарафланди

*Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида баҳорнинг ilk кuni Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд кuni ва Ўзбекистон халқ шоираси, сирдарёнинг севимли қизи Ҳалима Худойбердиева ёди билан бошланди. Ижод мактаби ҳовлисида қад ростлаган Ҳалима Худойбердиевнинг ҳайкали пойизга гулдасталар қўйилди.*

Шоира ҳайкали пойиздаги бир дақиқалик сукут чоғида юракларда унинг шеърлари ёлқинлангани рост:

*Қон аслан ёруғлик, ёруғлан  
тиз чўқ,  
Асл мард Ватанга тиз чўқиб  
ўтар.  
Қанча қонинг бўлса — Ватан  
учун тўқ,*

*Қанча шонинг бўлса,  
Ватанин кўтар!*

Ижод мактаби директори Покиза Аҳмеджанова, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ўлмас Мамадаминов, ЎзЛиДеп вилоят Кенгаши аппарат раҳбари Шоҳиста Бозорбоева, Ҳалима Худойбер-

### Тадбир

диеванинг қизи Камола Мавлоновалар шоиранинг қалб даъватлари бўлиб яралган шеърлари ҳар бир юракда ҳамон садо бериб турар экан, демакки, шоиранинг умри давом этаётганлигини, ўқувчиларнинг Ҳалима Худойбердиева сингари юрт шаънини байроқ этгулик ижодкорлар бўлишларини тилашди.

Баҳор вальси билан бошланган тадбир Ҳ.Худойбердиева шеъри билан басталанган “Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл” кўшиғи билан якунланди.

**Б.НОРЖИГИТОВА**

## Япония мактабларидаги ноодатий қоидалар

1. Мактабларда ишқий-романтик муносабатларга йўл қўйилмайди.

2. Япон мактаби ўқувчиси мактаб буфетига қирмайди. Синфхоналарга давлат томонидан уюштирилган овқатлар олиб келинади ва ўқувчилар уларнинг ҳаммасини ейишга мажбур ҳисобланади.

3. Япон мактабларида ёзги каникул берилмайди. 5 ҳафталик каникуллар ўқув йили даврида берилади ва ўша даврда ҳам ўқитувчилар ўқувчилар билан муттасил шуғулланадилар.

4. Мактабда фаррош йўқ, бу вазифани ўқувчиларнинг ўзлари бажарадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ҳеч қаерга ортиқча нарсалар ташламас-

ликка ва мактабни ифлос қилмасликка ҳаракат қиладилар.

5. Ўқувчиларнинг турли-туман соч турмақлари қилишлари ва лак-бўёқлардан фойдаланишлари рухсат этилмайди.

6. Япон болалари бошланғич синфдан кейин форма кийишга ўтишади.

7. Ҳар бир япон ўқувчиси сузишни билиши шарт! Мактабларда ташкил этилган бассейнларда ҳаммага сузиш дарслари ўтилади ва улар бу санъатни жуда яхши эгаллаган бўлишлари шарт! Синовдан ўта олмаган ўқувчи бошқа ўқитувчида қайтадан машғулотларни ўтиб, кейин такрорий синовдан ўтказилади.

8. Мактабда бир ўқув-



чининг ўз икtidори билан алоҳида ажралиб туришига йўл қўйилмайди! “Иктидорсиз ўқувчининг ўзи йўқ!” деган тушунча япон таълим тизимида устувор! Япон мактаби ҳар бир ўқувчини тенг ва бетакрор деб билади ва уларни ҳар тарафлама тайёрлашга йўналтирилган.

**Шерзод ЯХЁЕВ.**

## Балли, калла!

*Сардобалик ўқувчи Фаррухжон Ҳамробоев Халқаро Жаутиков олимпиадасида бронза медалини қўлга киритди*

*Шу йилнинг 15-23 февраль кунлари Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида математика, физика, информатика ва ахборот технологиялари фанларидан анъанавий 18-Халқаро Жаутиков олимпиадаси бўлиб ўтди. Пандемия шароити ҳисобга олиниб, билимдонлар баҳси масофавий тарзда ташкил этилди.*

Мазкур тадбир 2005 йилдан буён Қозоғистон Республикасининг физика-математикага ихтисослаштирилган мактаби базасида 10-11-синфлар ўртасида мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Оримбек Аҳметбекович Жаутиков йирик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Фанлар Академиясининг академиги, Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати ҳисобланади. Ушбу Халқаро олимпиада таниқли олим хотирасига бағишлаб ҳар йили ташкиллаштирилади.

Бу йилги олимпиаданинг камрови анча кенгайди. Унда жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатидан 1200 нафарга яқин ўқувчи ғолиблик учун курашга киришди.

Халқаро олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчилар муносиб равишда иштирок этдилар. Пировардида билимдон ўқувчиларимиз 2 та қумуш ва 6 та бронза медаллари билан сийландилар. Олимпиадада сирдарёликларни қувонтирадиган воқеа содир бўлди. Ғолиблар сафида Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Фаррухжон Ҳамробоев ҳам бор. У математика фанидан бронза медали соҳибига айланди.

Нима ҳам дердик: “Балли, калла!” дея алқаймиз-да, билимдонимизни!

**М. АҲМЕДОВ.**

### Муштарий мулоҳазаси

## ДАФТАР ЮЗИДАГИ БЕҲАЁ СУРАТЛАР

*қачон барҳам топаркан?*

*Ишхонадами, уйдаими, қўлингизга умумий дафтар тушиб қолганда унинг муқовасига эътибор берганмисиз? Ярим яланғоч қизлар, тигли ёки ўқотар қуроллар, йиртқич ҳайвонларнинг тасвирига қўзингиз тушиб, гапингиз келганлиги бор гап. Бундай ҳолатлар маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатаётганлиги айни ҳақиқатдир. Бу ҳақда аксарият оммавий ахборот воситаларида бонг урилди. Ҳўш, ёшлар бу ҳақда қандай фикрда? Уларнинг ўйлари, мулоҳаза ва таклифлари сизларни беътибор қолдирмаса керак.*

**Садоқат Аллаева, Ховос туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:** — Истагим, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ҳар бири миллийлигимизни ифода этса. Хорижда ёшлар қандай дафтарлардан фойдаланади — мени қизиқтирмайди. Аммо ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар шарқона безаклар билан чиқарилиши шарт, деб ўйлайман.

**Бехруз Рустамов, шу мактаб 7-синф ўқувчиси:** — Дафтар муқовасида табингни тирриқ қиладиган ярим яланғоч қизларнинг, қўзинг тушса, сесканадиган ҳайвонларнинг тасвири эмас, буюк боболаримизнинг ҳикматли сўзлари ва суратлари бўлса, қандай яхши? Уларнинг сиймосини ҳар кўрганимизда шундай буюк бобокалонларимиз борлигидан фахр ва ифтихор ҳиссини туяр эдик, ҳикматли сўзларини ўқиб маънавиятимиз бойирди.

**Жасур Шодмонқулов, Сирдарё шаҳар Темурбеклар мактабининг 2-босқич ўқувчиси:** Ўқитувчиларимиз дафтар муқовасини ок қоғоз билан ўраб олишимизни таъкидлайдилар. Бунинг сабабини биласизми? Дарс жараёнида ўқувчининг кўзи бўлмағур нарсаларга тушиб, фикри чалғимасин, дейди-да, улар.

**Ким билан ушбу мавзуда суҳбатлашманг, дафтар муқовасидаги бемаъни расмларни маъқулламайди. Аммо дафтарлар негадир қўнайганидан қўнаймоқда. Биласизми, энди дафтарлар қолиб, ёғ, печенье, турли ширинликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қадокланадиган чойларга ҳам худди шундай суратлар ёпиштирилаётганини кўриб, ёқа ушлайсиз.**

**Шахс баркамол бўлиб етишишида майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ. Аксинча, барча катта нарсалар ана шу майда-чуйдалардан ташкил топади. Дафтар муқоваси ёки идиш ўраладиган қоғоздаги суратлар ҳам майда-чуйда эмас. Ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари бу ҳақда дўппини бошдан олиб, қўйиб ўйласалар, ёмон бўлмасди.**

**Юлдуз МАМАТОВА,**

**Ховос туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**



Лойик Шерали,  
Тоҷикистон халқ шоири

## ОНАМГА

Ўтириб сандалнинг бир чеккасида,  
Тунларда кўз юммай, оҳ, қари онам,  
Сен, балки, куёвлик тўнин тикарсан,  
Дилда ниятларинг бўлиб бир олам.  
Куёвлик тўнини қаддимда кўриб,  
Тўй куни ушалсин армонларинг то,  
Токи, ёшлигининг ранги, чиройи  
Қайтадан порласин ва берсин жило.  
Онажон, қудратли, титрок қўлингга,  
Қанийди, айласам жонимни фидо!

Хира тортиб қолган кўзларинг, излаб,  
Игнанинг кўзини тополмайди гоҳ.  
Сенинг мўъжизакор қўлларинг букун  
Қалтирар кексалик чангали аро.  
Шунда ҳам тикардинг гуллик дастурхон,  
Ҳар нақшига бериб заргарона зеб.  
Маърака-тўйларда, одамлар ичра,  
Токи, обрўйимиз тўкилмасин деб.  
Умидинг дунёси нечоғ кенг, шинам...  
Онам, онагинам!..

Ўтиб кетди гўзал, ёшлик айёминг,  
Кўздан нixon, юзга пардалар тутиб.  
Умринг ҳам соврилди, ушбу ҳаётни  
Гоҳида кузатиб, гоҳида кутиб.  
Арт, дока рўмолинг бир учи билан,  
Ногоҳ кўзларингга пайдо бўлса нам.  
Ўз оёғи билан, тушунгин, ахир,  
Дунёга бир марта келади одам...  
Бардошли оҳларинг тинглайдиган кам,  
Онам, онагинам!..

Қишлоқдан нарига чикмай бир кадам,  
Дунёнинг юзини кўрмадинг, нахот?!  
Ўзин атрофида ўзи айланган  
Чархдайин бир умр кечирдинг ҳаёт.  
Осмоннинг этаги гўё чирмашиб,  
Қишлоқ ҳудудини қуршаб олган пайт,  
Балки – шу, сендаги жаҳонгашталик  
Ниятинг йўлларин беркитдими, айт.  
Пинҳон оламингда қанча сирлар жам,  
Онам, онагинам!..

Худо деб, оятлар ўқирдинг доим,  
Таъбирлар излардинг, қалбинг пайваста  
«Ҳафтияк» китобин гўдак ёстигин  
Остига қўярдинг авайлаб аста.  
Чақалоқ улғайиб, бўлсин қахрамон,  
То кўркув юракдан йўқолсин дердинг.

То сиғиб, гўдакнинг жажжи кўксидан,  
Пайғамбарлар қалби жой олсин дердинг...  
Ҳеч кимнинг назари илмаган пастқам,  
Тутун тўлган кулба ичра бирма-бир,  
Инсоний бурчларнинг ҳукми бирлан жим,  
Бутун бир дунёни сиғирдинг, ахир.  
Тунлар қуймаланиб, мижжа кокмасдан,  
Сутли кулча ёпдинг бизни ухлатиб.

Лойик Шерали (1941–2000) – ҳозирги замон тоҷик адабиётининг йирик вакиллари. Панжакент туманидаги Мозори Шариф қишлоғида туғилган. Душанбе Давлат Педагогика институтини тугатган. “Йўловчи”, “Қадахсўз”, “Кўнгил қошонаси”, “Кўзлар манзили”, “Қуёш ёмғири”, “Шоҳнома”дан илҳом, “Тошдаги битик”, “Мен ва дарё”, “Сассиз фарёд” каби йигирмадан ортиқ китоб муаллифи. Тоҷикистон Халқ шоири, Рудакий номидаги Давлат мукофоти, Халқаро “Нилуфар” мукофоти совриндори. Шеърлари эликдан ортиқ дунё тилларига таржима қилинган.

Тонг ёришган заҳот фарзандларингни  
Тагин майдонларга қўйдинг кузатиб.  
Фарзандлар фахридир дардингга малҳам,  
Онам, онагинам!..

Тупрокка топширган фарзандларингни  
Ҳар кеча эсладинг, тушингда кўриб.  
Арвоҳлар ҳолидан оларнинг хабар,  
Рухлар дийдорига мунтазир бўлиб.  
Шундоқ оstonангда ўлим сояси  
Ҳар лаҳза умрингга қўяди тузок.  
Сени тиним билмай буткул қоронғи  
Зулмат дунёсига тортади, бироқ.  
Безаволсан, кўркма ўлимдан бу дам,  
Онам, онагинам!..

Минглаб ўлим, ғамни кечирдинг бошдан,  
Емай, ичмай, қиймай, кетсанг ҳам толиб.  
Не-не азоб билан катта қилгансан.  
Мени қанотларинг остига олиб.  
Эслайман, сен менда тирик кўрай деб,  
Қанча орзу, ҳаёл этганларингни,  
Овланган овчидай, қай бир қаро кун,  
Бу дунёдан ўтиб кетганларингни.  
Юрагинг қон бўлди чекавериб ғам,  
Онам, онагинам!..

Букун қасбу ҳунар ўрганиб боланг,  
Топар беминнат нон, ризку насиба.  
Сен унга дуо бер қўлларинг очиб,  
Сенинг номингга деб очди саҳифа.  
Сен унга дуо бер, олис йўлларда  
Сенинг номинг билан қўйганда кадам.  
Унга мағфират қил, раҳнамолик қил,  
Онам, онагинам!..

Лабларинг шивирлар, сўйлайди сирлик  
Манглайинг қоплаган ҳар битта ажин.  
Гўёки, тинглайман шундай ҳикматни,  
Хоҳ йироқда бўлай, хоҳ бўлай яқин:  
Бир қокилни бежаб, сўнгра тўкилган  
Бебако гулдан, айт, борми бирор наф?  
Ушбу олам бағрин, сарғаймай, сўлмай,  
Безаган гулларга бўлсин шон-шараф.  
Авалсан ҳаётим аввалидан ҳам,  
Онам, онагинам!..

Кексайдинг, ғанимат нафасларинг ҳам  
Сендан из қолдириб таралар жонбахш.  
Ўшал нафасингни гуллар шаклида  
Қашталар юзига айлагайсан нақш.  
Кўзингга сўнгги нурларни бир-бир  
Тўқасан тунларнинг қалбига бедор.  
Гўё ўша нурни эртанги куннинг  
Оппок тонгларига айлайсан нисор.  
Гул, нур, иймон – сендан мерос мухташам,  
Онам, онагинам!..

Она, бир зум эски ғамларни унут,  
Ғамгин қўшиқларни қуйламагин, бас.  
Қайғу-ғамлар тилиб кетган дилингни  
Илк қўшиғим билан ёрит бир нафас.  
Она, умид билан тикар бўлсанг гар  
Янги тўн, дастурхон, бошинг эгиб ҳам,  
Факат, мен учунмас, факат, менгамас,  
Тиккин сен келажак авлодларга ҳам.  
Сўнгги ризқингни ҳам ғанимат билиб,  
Доим саломат бўл, омон бўл, бардам.  
Онам, онагинам!..

Одил ИКРОМ таржимаси.



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоираси.

## ҚАНДАК ЎРИКНИНГ БИР ДОНАСИ...

(Шоир Муҳаммад Исмоилнинг онаси  
Ҳожи она Зулайҳобегимга бағишланади)

Шодлансак чопамиз ким-кимларгадир,  
Онага йиғлаймиз, кўнглимиз тўлса.  
Айтинг она кимдир, она у надир,  
Онани мевага ўхшатиб бўлса.  
Қандак ўрикнинг бир донасиз Сиз,  
Дунёнинг энг гўзал онасиз Сиз.

Такдир ҳамиша ҳам силамагандир,  
Қай куч билан кўклаб яшнай олдингиз.  
Гоҳ ҳеч ким узугни уламагандир,  
Қандоқ узулмасдан яшайолдингиз?  
Тўксон бир йил. Қиш. Муз синмаган кунлар,  
Кўзларингиз ёши тинмаган кунлар.

Нималар ўтмади бу қора бошдан,  
Ёз кунларин ёзлаб, қишларни қишлаб.  
Яшарканмиз ўтлар чиқариб тошдан,  
Аччиқ, азиз бахтни тишларда тишлаб.  
Заҳар, болни бирдай тотиб келдингиз,  
Бугун бу даврага етиб келдингиз!

Муҳиму мана шу. Бошқаси ёлғон.  
Зулайҳобегимга гуллар тўшангиз!  
Дунё эски дўкон, ҳаммадан қолғон,  
Биздан ҳам қолгунча яйраб яшангиз.  
Қадни ғоз кўтариб, шамшод туринг Сиз,  
Тўксон бешга қиринг, юзга қиринг Сиз!

Энди Сизга тўфон даф қилолмас, чин  
Фарзандлар ўрайди болу, парларга.  
Худодан сўрайлик, қани қўл очинг  
Ўғиллар ўхшасин пайғамбарларга!  
Тоғнинг қунгай ёғи, ёнага шараф,  
Муҳаммадлар туккан онага шараф!

### Аёл ҳақида буюқлар таърифи

• Аёл учун арзимас нарсалар ҳам улкан аҳамиятга эга эканини кўп эркаклар билишмайди, шунинг учун доим тугилиб қолишади.

МАҲБУБҲИЙ

• Аёлда фикр бўлмайди, деганлар адашадилар, чунки аёлда ҳар қуни янги фикр бўлади.

Бернард ШОУ

• Аёл икки нарсага ҳеч қачон ишонмайди: эркакка ва атиргга.

Ҳинд бинд МАҲЛАБ

• Аёл машғалага ўхшайди, эркак уни қандай тугилини билса, йўлини ёритади, тугилишда хато қилса, қуйдиради!

Анис МАНСУР

• Эркак ўтиндир, аёл — олов. Шайтон эса олов ва ўтин орасидаги пуфланган ҳаводир.

Фаранг мақоли

• Аёл қудратини менсимайдиганлар менимча, онасиз катта бўлишган.

Нажиб МАХФУЗ

## Соглом турмуш тарзи

## Сергайрат қариялар

Мирзаободлик уч отахон соғлом ҳаёт учун ҳар куни 5 минг қадам масофани босиб ўтишни одатга айлантирдди



Имом Мотуридий ҳазратлари “Тириклик ҳикмати ҳақида, деб билгин”, деганларида нақадар ҳақ эди. Зеро, Президентимиз ҳам ҳар бир чиқишларида миллатимиз саломатлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Айниқса, кекса кишиларнинг пиёда юриши сиҳатлари учун қони фойдадир. Мамлакатимизда “Саломатлик учун 5 минг қадам” акцияси кун, ой сайин юртдошларимизнинг турмуш тарзига айланиб бормоқда.

Мирзаобод тумани “Боғистон” маҳалласи Янгиобод массивида умргузаронлик қилувчи Элмурод Бозоров икки марта инфарктни бошдан кечирган. Ёши 65 нинг устида. Ажойиб кунларнинг бирида у тенгдоши Ҳотам Маматовнинг хонадонига ташириб буюрди. Бир пиёла чай устида чиройли суҳбат бўлди. Ҳотам Маматов юрак операциясини бошдан кечирган. Ёши 66 да. Гап орасида пиёда юришнинг саломатликка фойдаси ҳақида фикр юритилди.

— Кеча ойнаи жаҳонда Юртбошимизнинг чиқишини кўрдим, — дея гап бошлади Элмурод Бозоров. — Мамлакатимиз раҳбарининг мана бу сўзлари қулоғимга кўрғошиндек қуйилиб қолди. “Сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз”. Иккаламиз ҳам хасталикнинг азобларини бошдан кечирдик. Келинг, эртадан бошлаб пиёда юришни

кундалик ҳаёт тарзимизга айлантирайлик.

Бу таклиф икки отахонга ҳам саримойдек ёқди. Эртасига икковлон етаклашиб, катта йўл бўйига чиқишди. 2 минг қадамлар юриб, уйларида қайтишди. Нафаслари қисгандек бўлди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай уларга Акмалбек Бердибеков ҳам қўшилди. Улар тўй-маъракаларга бирга бориб юрган тенгқурлар эди. Акмалбек Бердибеков 67 ёшга уриб қўйган. Мана шу воқеага ҳам бир йилдан ошибди.

Учовлон ҳўроз кичкирмасдан ўрниларидан туришди. Сахаримардонлаб енгил гимнастика қилиб, пиёда сайрни бошлаб юборишди. Йўл-йўлак турмуш ташвишлари ҳақида гурунглашиб кетишди. Шояр айтганидек, “суҳбат у ёқ — бу ёқдан, гоҳ бошдан, гоҳ туёқдан” (Абдулла Орипов сатри) бўлади.

— Эрта турганнинг хосияти кўп, — дейди Ҳотам Маматов. — Ривоят қилишларича, Яратган эгам тонг сахар бандаларига ризқ улашар экан. Гафлатдаги

“Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда маъсулият билан ҳаракат қилишимиз лозим”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

инсонлар кенг ризқдан бебаҳра қоларкан.

— Сахарлаб пиёда юрганимизда ҳеч нарса бизга ҳалакат бермайди, — дейди Акмалбек Бердибеков. — Катта йўлда машиналар катнови ҳам сийрак бўлади. Энг асосийси, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламиз.

Бугунги кунда отахонларнинг ҳаракатлари анча енгиллашиб қолган. Хансираш йўқ. 5 минг қадамни йигитлардек чаккон босиб ўтишмоқда. Юзларига қон югуриб, қадамлари чакконлашган. Ҳазил-хузул гаплари ҳам ўзларига ярашади.

— Ҳукуматимиз мунтазам 5 минг қадам юрганларга пул беради, деган гапни ҳам эшитганмиз. Телефонларимизга шу дастурни юклаб олганимизда учаламиз ҳам анчагина маблагга эга чиқардик. Бироқ биз пиёда юриб, бойликдан ҳам муҳимроқ соғлиққа эга чиқдик, — дейди Элмурод Бозоров.

Отахонлардан кенг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида сўрадик. Янгиобод массивида 200 га яқин хонадонда аҳоли истиқомат қилса-да, бирорта спорт иншооти йўқлигини, болалар йўлда қопток тепишини кўйиб гапиришди. Туман ҳокимлиги пиёдалар ва велосипедчиларнинг эмин-эркин сайр қилишлари учун махсус йўлакчалар барпо этиш ҳақида ўйлаб қўришлари кераклигини алоҳида урғулашди.

Мамлакатимизнинг бугунги сиёсати соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида изчил ривожланмоқда. Янгиобод массивида умргузаронлик қилаётган отахонларнинг таклиф-истаклари мутасаддилар қулоғига етиб, ишлар яхши томонга қараб кетса, не ажаб!

Муҳаммадали АХМАД.  
Тасвирда: отахонлар эрта-лабки сайрга отланишди.  
Сурат муаллифники.

қилишни, яхши қўришни, сўзларига қулоқ солишни ва сабр қилишни ўрганишнинг керак бўлади. Шундагина қайнонанинг ўлимида ҳеч ким сенадан гумон қилмайди.

Аёл барчасига рози бўлиб, гиёҳни олади ва қайнонасининг таомига қўшиб боради. Бундан ташқари, у ўзини назорат қилиб, қайнонасининг сўзларига қулоқ солиб, уни ҳурмат қилишни бошлайди. Келинининг унга бўлган муносабатини кўрган қайнона кизни бутун қалби билан яхши қўриб қолади. У келинини ҳаммага орзу қилиш мумкин бўлган энг яхши келин, дея мақтаб юради. Ярим йил ўтгач, уларнинг муносабатлари худди она-боладек бўлиб кетади.

Орадан маълум вақт ўтиб, келин табибнинг олдида келиб, илтимос билан: — Худо учун илтимос қиламан, қайнонамни кутқаринг. Уни ўлдиришни истайман. У энг яхши қайнонага айланди. Мен уни яхши кўраман, — дебди.

Табиб эса: — Хавотир олма, сенга захар эмас, оддий зирворлар бергандим. Захар сенинг миёнгда эди. Ниҳоят ундан халос бўлибсан, — дея қулиб қўйибди.

Абу МУСЛИМ таржимаси.

## Бўлган воқеа

## КАЪБА

## Ховослик Баҳромжон ҳожи ҳикояси:

— Зўрға Каъбага яқинлашдим. Тумонат одам. Ҳеч ким бир-бирига қулоқ солмайди, ҳеч ким бир-бирини эшитмайди. Еттинчи айланишда Каъбага яқинлашиб, Ҳажар ал-Асвад тошига қўлимни теккиздим. Юрагим ҳаприқади. “Дод” дейман. “Дод, Оллоҳим, қилган гуноҳларимни кечир, Оллоҳим мени кечир,” деб ўкраб йиғлайман. Кўз ёшларим тинмайди. Ўзимни тўхтатолмай йиғлайман. Оллоҳимдан ёлвориб сўрайман. Ҳамма нарсани унутганман. Гўё мен мен ёш болага айланиб қолгандайман. Бу шундай гўзал лаҳзаларки, дунёнинг ҳеч бир буюк неъматини бу лаҳзаларга алмаштириб бўлмайди. Умримнинг мана шу бир неча сониясини бутун умримга алмаштиришга розиман. Мана шу пайтда қулоғимга шердай ўқирган овоз чалинди. Қанчалик шовкин-сурон бўлмасин, бу овозни эшитмасликнинг иложи йўқ эди. Ўқирки яна эшитилди: “Ё Оллоҳим, ёлвориб сўрайман, устозим Шукр Бурҳоннинг гуноҳларини кечир, киёмат куни мағфират қил, нимаики айби бўлса, унинг ўрнига мени жазола, унинг гуноҳларидан ўт!”

Ўқириб йиғлаётган одам менга тескари, Каъбага қараб турар, қўллари билан Каъбани силар, сўнг юзига уриб, букчайиб олар эди. Мен ўзбекча гапирган бу одам ким экан дея таажжубда эдим. “Шукр Бурҳонни бу қадар эъзозлаган инсон ким экан? Ўғлимикан, набирасимикан, ким экан?” деган хайратда эдим. Юз сўм пул учун ака укасида,

ота боласидан тониб турган, меҳр-окибат жонсарақ бўлиб турган бу бағритош замонда ўзини унутиб, ўзга одам учун ёлвориб турган бу инсон ким экан?” дея ўша одамнинг орқасидан маҳкам ёпишдим. Одам ўғирлиди-ю, мени қаттиқ қучоклаб, ҳўнграганча йиғлайверди. Оломон бизни судраб кетди. Сал четроқ чиқиб қолгач, юзига қарасам, танишдай туюлди.

— Сиз, Теша Мўминовмисиз? — дедим.

— Ҳа, Теша Мўминовман, — деди.

Бошқатдан қучоклашиб қўришдик. Устозига бу қадар эҳтиром кўрсатган шогирднинг бир умр хизматида бўлишга тайёр эдим. Ҳаёлимда эса инсоният сарвари, Муҳаммад Мустафо с.а.в.нинг Ҳажжатул-вадод, мана шу муқаддас Каъба ёнида туриб: “Эй, Парвардигор, устозларнинг гуноҳларидан ўт, умрларини узун, ҳаётларини бардавом қил, қасб-қорларига фазл-бароқ бер!” — дея қилган илтижолари айлана бошлади. Мен Пайғамбаримиз илтижоларининг ижобатини кўз ўнгимда қўриб турар, устознинг умри шогирдлар қалбида давом этаётганини, худди Пайғамбаримиз илтижо қилганидек, шогирднинг ўз устози ҳақида тинмай илтижо қилаётганидан юрагим бўғзимга қадалган ва бир банданинг бошқа бир бандга бўлган бу қадар бетама эҳтиромидан кўзларимга ёш тўлиб йиғлар эдим.

Муҳаммад ИСМОИЛ.

## Акс-садо

## Кўнгилдаги гаплар

“Янги Сирдарё” газетасида босилган  
“Тўқликка шўхлик” мақоласини ўқиб

“Янги Сирдарё” газетасининг жорий йил 21 январь сониди ёритилган “Тўқликка шўхлик” сарлавҳали мақолани катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқиб чиқдим. Таъкидлаш жоизки, муаллиф бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирини аниқ мисоллар ёрдамида дадиллик билан қўтариб чиққан. Боз устига, мазкур мақолада қўнчиликнинг тили учиди турган мулоҳазалар ўртага ташланган.

Мақолада тўғри таъкидланганидек, вилоятимиздаги айрим ҳожилар ҳар ойда тўпланишиб, гап-гаштакда меъёридан ортиқ исрофгарчиликка йўл қўйишмоқда. Бу нарсани мен манманлик, киборга берилиш деб биламан.

Орамизда ўзининг юксак ахлоки, саховати билан эл қорига яраган ва яраётган ҳожилар қўнчиликни ташкил қилади. Сирдарё шаҳрида Аҳмад ҳожи деган ошпаз яшаб ўтди. У кишининг ошхонаси ҳаммаша ҳўрандалар билан гавжум бўларди. Ҳожи бобомиз ҳар куни Сирдарё педагогика коллежининг 15-20 нафар талабасини текин таомлантирарди. Талабалар рўйхат бўйича навбати билан ошхонага келишарди.

Туманимизнинг “Тараққиёт” маҳалласида Ҳалима ҳожи она Маджидова умргузаронлик қилади. Ўндан ортиқ китоблари нашр қилинган ҳожи она билан тез-тез учрашиб турамыз, ижод,

адабиёт мавзуларида гурунглашамиз. У кишига қўнғирок қилиб, мақола юзасидан фикрларини сўрадим.

— Биз — ҳожи оналарнинг ҳам гаштаимиз бор, лекин ҳамма нарсаси меъёрида, исрофгарчиликсиз, оддий, — дейди суҳбатдошимиз. — 2015 йилда муқаддас ҳаж сафарини адо этиш насиб қилди. 7 йилдан буён вилоятимизнинг ҳожи оналари билан учрашиб турамыз. Давраимизда тўрт миллат вакиллари бор. Ҳаммамиз иноқ, гўё бир оила фарзандларидекмиз. Ғийбат, ортиқча сўзга ўрин қолдирмаймиз. Қўпичча фарзанд тарбияси, оилалар мустаҳкамлиги, қайнона-келин муносабатлари мавзуларида фикрлашамиз.

Мана шундай ҳожи ота ва ҳожи оналар қанча кўпайса, жамиятимиз шунча гўзаллашади.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,  
“Сирдарё” газетаси  
бош муҳаррири.

НАСИҲАТ

Қадимги Хитойда турмушга чиққан қиз эрининг уйида яшаб, унга ва унинг онасига хизмат қилиши керак эди. Шундай урф-одатларга мувофиқ турмуш ўртоғининг хонадонига яшаб келаётган бир қиз тўйдан кейин қайнонасининг гиналарига қидай олмабди. Шу боис ундан қутулишга қарор қилибди. Келин табиб ўртоғи олдида бориб, унга: — Қайнонам билан бошқа яшай олмайман. У мени яқинда ақлдан оздиради. Ёрдам бера оласизми?

Бунинг эвазига яхшигина ҳақ бераман, — дебди. — Сенга қандай ёрдам беришим мумкин? — дея сўрабди табиб.

— Захар тайёрлаб беришингизни истайман. Қайнонамни захарлаб, барча қулфатларимдан халос бўлмоқчиман.

Узоқ ўйга толган табиб шундай дебди:

— Майли ёрдам бераман. Бироқ икки нарсани тушунишнинг керак бўлади. Биринчидан, қайнонангни дарҳол захарлай олмайсан. Чунки одамлар буни сен қилганингни пайқаб қолишадди. Аста-секин ўлдирадиган захар тайёрлаб бераман. Ушанда уни сен захарлаб, ўлдирганинг ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Иккинчидан, одамлар гумонлардан бутунлай халос бўлиши учун сен жаҳлингни жиловлашни, уни ҳурмат

## Ажойиб замондошларимиз

## Тақдирни белгилаган орзу

Биз ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритмоқчи бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони Мирзаахмад Шойимов болалик пайтларидаданок ўзи яшаётган ҳозирги Нуробод кишлоғи яқинида барпо этилаётган Сирдарё иссиқлик электр станциясида ишлашни орзу қилган эди.

М.Шойимов 1974 йилда Тошкент давлат политехника институтининг Энергетика факультетини тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини “Фарход” ГЭСда муҳандисликдан бошлади. 1976 йилдан Сирдарё ИЭСда ярим асрга яқин меҳнат қилиб, чилангарлик вазифасидан бош директор лавозимига кўтарилди.

## Оғир вазиятдаги матонат ва жасорат

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда Сирдарё ИЭСда муаммо вужудга келди. Корхонанинг газ билан таъминлаш пункти кўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, газ у томондан қувур орқали етиб келарди. Бу корхона учун анчагина ноқулайлик ва қийинчиликни вужудга келтирарди. Газ сарфини назорат қилиш учун М.Шойимов раҳбар сифатида кечаю кундуз кўшни мамлакатдаги мутахассислар билан алоқага чиқишга мажбур бўларди.

...Қўнлардан бирида юқоридан “тожикистонликлар газ юбориш йўлини ёпар экан, зудлик билан мазутдан фойдаланишга ўтиш керак”, деган буйруқ станция раҳбариятига етиб келди. Ўзбекистоннинг газини қабул қилишга ҳали корхонада тайёргарлик йўқ эди. Янги йўналишга ўтиш учун автоматика ва назорат ўлчов асбоблари етишмасди. Шунда Мирзаахмад ака ўзи яратган махсус дастур асосида бош муҳандис билан ҳамкорликда уч кеча-кундуз давомида режа тузиб чиқди.

Амалга ошириладиган ишни назорат қилиш учун “Ўзбекэнерго” ДАК айсининг ўринбосари Баҳодир Абдурахмонов ва “Ўзтрансгаз” вакиллари ташриф буюришди. Тунги соат 02.00 да операцияни бошлашга рухсат берилди. Дастурда кўрсатилган кетма-кетлик тартиби бўйича жараён давом эта бошлади. Барча кузатувчилар ва ишчи-ҳодимлар бўлажак натижани



лум сабаблар билан Сиз узок йиллар давомида фаолият кўрсатган Сирдарё ИЭС яқинидаги йўлдан ўтиб кетаётганимда “собик иттифоқ тарқалганидан кейинги йилларда русийзабон мутахассислар ўз юртига қайтиб кетишган бўлса, етук мутахассисларгина ўз вазифасини бажаришга ҳақли бўлган бу улкан корхонада иш юритиш қийин бўлмаганмикин?” деган савол туғилади ҳаёлимда, — дея юзландим суҳбатдошимга. У киши сўзлашга тутинди:

— Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага кела бошлаган муаммолар биз учун қатта синов бўлган эди. Вужудга келган вазият жон куйдириб, ақл-идрок билан иш юритишимизни талаб этарди. Ўша йилларда станцияда мутахассис кадрлар ва эҳтиёт қисмлар етишмовчилиги кетма-кет қийинчиликларни туғдира бошлади.

**Марказий Осиёда тенги йўқ бўлган Сирдарё иссиқлик станцияси Ўзбекистон ҳудудининг учдан бир қисmini электр энергияси билан таъминлайди. Бу билан станция мамлакатимиз sanoati, энергетикаси ривожига, иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сирдарё ИЭС республиканинг учдан бир қисмига—Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида электр энергиясини етказиб беради. 2020 йилга нисбатан 2030 йилга бориб, мамлакат бўйича, аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодийнинг ривожланишини ҳисобга олиб, 120,0 миллиард киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш мўлжалланган.**

юрак ҳовучлаб кутмоқда эдилар. Чунки станция фаолияти тўхтатиб қўйилиши ҳам, давом эттирилиши ҳам мумкин эди. Назорат-ўлчов асбоблари етарли эмасди. М.Шойимов 50 нафар ходимдан жонли назорат ўлчов асбоби ўрнида фойдаланиб, қаттиқ назорат қилиш учун ҳар бирига керакли жойларда туришни тайинлади. Ходимларга босимнинг даражаси бўйича ўз вақтида маълумот бериб туриш, ҳолатга қараб, ўнг ва чап йўналишларни очиб, ёпиб туриш вазифасини топширди.

Операция ишлари кизгин давом этди. Эрталаб соат 06.00 ларда биринчи газ қувури, соат 09.40 ларда иккинчи газ қувури тўлиқ янги магистралга ўтказилди. Энергоблоклар иш режимида меъёрий ҳолат сақлиниб қолинди ва энг муҳими, ҳудудларга электр энергияси етказишда ҳеч қандай узилишга йўл қўйилмади!

Эртаси куни эрталаб соат 10.00 да М.Шойимов “Ўзбекэнерго” ДАК раисининг ўринбосарига “операция муваффақиятли аяқланди”, деб ахборот берди.

**Малакали кадрлар етишмовчилиги бошланган эди...**

— Мирзаахмад ака, гоҳ-гоҳида маъ-

# Нурлар булоғидан бахт топган инсон

шундай жавоб бердилар:

— 2013 йилда Республика-миз Бош вазири Шавкат Мирзиёев “Ўзбекэнерго” компаниясида электр станциялари раҳбарларининг йиғилишини ўтказатганларида Ўзбекистонда электр энергиясини ривожлантириш бўйича бошқаларнинг таклифларини тинглаб бўлгач, менга юзланиб, “Қани. Ўзбекистон Қаҳрамони, сиз қандай таклиф бера оласиз?” дедилар. Шунда мен аввалдан дилимга туғиб қўйган режалар асосида ташаббус билан чиқиб, станцияларнинг энергоблокларидан модернизация ишларини олиб бориш зарурлиги тўғрисида ўз таклифларимни айтдим ва бу иш ўта муҳимлигини, асло кечиктириб бўлмаслигини алоҳида таъкидладим. Чунки ўша пайтга келиб, 40 йилдан бери тинимсиз ишлаб келаётган Сирдарё ИЭСда энергоблокларнинг яроқлилик муддати ўтганлиги сабабли ёқилғи харажатлари ҳам кўтарилиб кетаётган эди. Сўзларим тугагач, Бош вазир ва хайрат аъзолари таклифимни бир овоздан маъқуллаб, қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг модернизация концепцияси ва лойиҳа ишлари бошланиб кетди ва 2014 йилда модернизация ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

Шундай қилиб, модернизация ва реконструкция натижасида қуйидагиларга эришдик: 300 МВ т ли энергоблокларнинг қуввати ҳар бири учун 25 МВ т, жами 50 МВт га кўтарилди. Энди модернизациягача қувватлари 240 МВ т гача тушиб қолган энергоблокларнинг қуввати 325 МВ т ни ташкил этмоқда. Ёқилғи сарфи 15-20 фоизга камайди, яъни йиллик иқтисод 130 миллион метр куб газни ташкил этди; энергоблокларни ишлатиш муддати яна йигирма йилга узайтирилди; таъмир харажатлари 40 фоизга камайди; янги замонавий, ҳар томонлама қулай ва усқуналарнинг беҳатар ишлашини таъминлай оладиган бошқарув тизими яратилди.

Сирдарё ИЭСда модернизация ва реконструкция ишлари давом эттирилди. 2018-2021 йиллар давомида 1-2-энергоблоклар катори яна 6 та энергоблокла модернизация ишлари олиб борилди. Бу эса станция фаолияти бардавонлиги ва хавфсизлигини таъминлаб, иқтисодий жиҳатдан ижобий натижаларга олиб келди.

## Халол меҳнатга яраша рағбат

Мирзаахмад Шойимов Ўзбекистон Республикаси энергетикаси мустақиллигини ривожлантириш ва халқ хўжалигини электрлаштиришдаги кўп йиллик ва халол меҳнатлари учун 2010 йилда “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компаниясининг “Ўзбекистон энергетикаси фахрийси” унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, кейинги йиллар давомида “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил”, “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

2012 йилда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида 2012 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4466-сонли Фармони асосида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш

соҳасидаги узок йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик, халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган қатта ҳиссаси учун олий даражадаги мукофот “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали билан тақдирланди.

2015 йилда М. Шойимов Сирдарё вилояти халқ депутатлари кенгаши аъзолигига қабул қилинди ва ўша йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланди. 2018 йилда МДХ давлатларида энергетика тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “МДХ давлатларида хизмат кўрсатган энергетик” фахрий унвонига муносиб топилди.

2021 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида жамоат мукофотлари ва унвонлари халқаро қўмитаси Мирзаахмад акага Фахрий ёрлик ҳамда медаль юбориб, у киши Евроосиё давлатлари иттифоқининг фахрий фуқароси бўлганлиги ҳақидаги хабарни етказди.

## Малака ошириб, тажриба алмашиб...

1997 йилда М. Шойимов Энергетика вазирлигининг топшириғига биноан бир гуруҳ мутахассислар билан бирга Европа мамлакатларида хизмат сафарига юборилди. Инвестиция лойиҳаларини таклиф этаётган фирма ва концернларнинг мутахассислари билан биргаликда янги техника ва технологиялар жорий этилган электростанциялар фаолияти билан танишиб, керакли муҳим музокара олиб борилди, ўзаро тажриба алмашилди.

Мирзаахмад ака Австриянинг Вена шаҳрида, Венгрияда, Польшада, Озарбойжонда, Санкт-Петербургда ўз соҳаси бўйича малака ошириб қайтган эди. Айниқса, у киши Россия давлатига борганида энергетика соҳасида чоп этилган кўплаб қўлланмаларин олиб келиб, тинимсиз мутолаа қилар, ўрганганларини иш жараёнига татбиқ этарди.

## Ахил оилада саодат сурури

Ховос туманининг Шарқобод кишлоғида истикомат қилаётган 5 нафар фарзанднинг отаси ва 18 нафар неваранинг бобоси М.Шойимовнинг яна бир қарра бахтли эканлиги шундаки, ўзи 69 ёшда бўлса ҳам падари бузруквори ва волидаи муҳтарамаси узок умр кўриб, яшамокдалар. Исмаи ҳожи ҳозир 94 ёшда, Обида ая эса 87 ёшни қаршилаган.

Мирзаахмад ака умр йўлдоши Ойсафар опа билан 47 йилдан бери ахилликда, иноқликда оилавий бахт сурурини тоғиб келишпти. Фарзандларидан Гулнора уй бекаси, Музаффар Сирдарё ИЭСда муҳандис, Акбарали ҳам мазкур корхонада электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича муҳандис-технолог вазифасида фаолият олиб боради. Ботир тадбиркорлик билан шуғулланади. Анвар эса Энергетика вазирлигида масъул лавозимда ишламоқда.

\*\*\*

...Гоҳида уйимизда ёки ишхонамизда бирор соат давомида электр токи келмай қолса, кайфиятимиз бузилади, ҳафсаламиз пир бўлади. Лекин ана шу бизга керакли бўлган электр энергияси қаерда, қандай тарзда вужудга келишини тасаввур ҳам қилиб кўрмаймиз. Уни Мирзаахмад ака сингари нур булоғини кашф этаётган чинакам фидойилар яратдилар. У киши қабилар борлиги учун ҳам дунёда эзгуликнинг умри боқийдир.

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ.

# Аёл билан одам мунаввар

Машхур кадимги юнон шоирининг ушбу кискагина ибораси кадимги дунёда эркакларнинг аёлларга бўлган муносабатларини аниқ таърифлайди. Кадимда аёл киши эрининг уйида унинг рухсатисиз ҳатто ўз шахсий мулкига ҳам эгалик қилолмайдиган, ҳақ-ҳуқуқсиз бир чўри бўлган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, аёл киши “эри билан тўшакни баҳам кўриши мумкин бўлган, аммо овқатни эмас”. Эркакнинг назарида аёл киши буюм, мебел, сувенир ёки бир махсулот каби бўлса бўлгандир, аммо хурматга сазовор инсон бўлмаган.

Қадимги Юнонистонда хушрўй аёлнинг нархи бир неча бош қорамол қийматига тенг бўлган. Гомер айтганидек, “бир хотин учун тўртта ишлайдиган ҳўкиз”. Қадимги юнонлар аёл кишига бўлган ишқий эҳтиросни касаллик деб ҳисоблаганлар. “Аёл кишига бўлган муҳаббат – оғу”, - деган эди Сукрот. Арасту эса: “...аёл киши - табиат томонидан расвоси чиқарилган эркакдир”, - деган. Эзоп эса “олов, аёл ва денгизнинг уч офат” эканига амин бўлган.

Қадимги Римда бир умрга бокира бўлиб қолиш ҳақидаги назрни бузган қоҳиналарни катл қилишган. Рим қонунларига мувофиқ, эркаклар ўзлари сотган, сотиб олган, кўпинча эса ўлдириб юборган хотинларини тирик қолдириш ёки ўлдириш учун тўлиқ ҳақ-ҳуқуққа эга эдилар.

Қадимги Ҳиндистонда қизларни ёшлигидан бошлаб ибодатхонадаги фоҳишалик касбига тайёрлашган. Келажакда улар Вишну маъбудаси ибодатхонасининг доимий хизматчиларига айланган ва исталган табақадаги эркакларга хизмат кўрсатишган. Ҳаттоки энг аслзода оилалар ҳам, ўйлаб ўтирмай ўз қизларини ана шундай ўзига хос ибодатга бағишлаганлар. Ҳиндистонда эр ўлган тақдирда хотинини ўлган турмуш ўртоғи билан бирга тириклайин ўтда ёқишган. Бу ваҳиёна одат Ҳиндистоннинг баъзи вилоятларида ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Фижи оролларида ҳар қандай аёл югуриш мусобақалари вақтида уни тутган эркакнинг мулкига айланган. Бу пайтда аёл кишига бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинган.

Ниссауда бева аёллар барча ҳамқишлоқларининг мулки ҳисобланган. Кўпинча бевани семиртириб, сўнг жамоат мулки сифатида ейишган.

Баъзи халқларда куёвнинг дўстлари, яқинлари ёки тўйга таклиф қилинган кишилар келинга тўлиқ ҳақли бўлишган, бу ўринда куёвнинг ўзи навбатнинг охирига тушиб қолган. Бу ҳолат Балеар оролларида ва Африка авгилларида мавжуд эди, Абиссиниядаги барее кабиласида эса ҳозирги вақтда ҳам амалда.

Қадимги халқларнинг аксариятида кабила ёки оила сардори, шомон, хон, кохин, княз ёки қандай ном билан аталган бўлса ҳам ҳар қандай мансабдор шахс келинга нисбатан биринчи тунни бирга ўтказиш ҳуқуқидан фойдаланган. Алясканинг кўпчилик халқларида ва бошқа миллатларда биринчи тун ҳуқуқи одати ҳозирда ҳам бор. Бундай одат Ислон келгунига қадар Доғистон халқларида ҳам тарқалган эди.

Шимолий Америкада тўнгич киз билан турмуш кураётган эркак маълум ёшга тўлишлари билан унинг бошқа барча сингилларини ҳам хотин қилиб олган. Жанубий Америкада, расм-русумларга мувофиқ, аёлларнинг бош шаклини ўзгартиришган. Мундугуморларда эркаклар ўз қизлари ва опа-сингилларини янги хотинларга алмашишган.

Эскимосларда қизлар жуда кўп деган назарияга асосланган ҳолда, чақалок қизларни ўлдириш тарқалган эди.

Қадимги Хитойда хонадонга келин қилиши муносабати билан уйда уч кун катъий мотамга риоя қилинган ва ғамгинлик ҳукм сурганки, бу нарса у келиннинг руҳини руҳий жиҳатдан синдириши лозим эди. Хотин эридан муҳтамак жудо бўлиши борасида бутун умр мотамсара ва хафа бўлиб юрмочка маҳкум эди. Хотин эрига мурожаат қилиши учун эса ҳар куни қаттиқ маросим қоидаларига риоя қилиши: эрталаб ҳўрознинг биринчи кичкириги билан оғзини алоҳида эътибор билан тозалаши, кўлларини ювиши, тараниши, сочларини сочтўғноғичлар қадаб тўғрила-

ши ҳамда турли юксак васф ва ибораларни ишлатган ҳолда худди шохга мурожаат қилаётгандек эрига мурожаат қилиши лозим эди.

Мисрда эр хиёлати учун хотинини зудлик билан ўтда ёққан, эрининг хиёлати эса қораланмаган. Осурияда агар аёл уйдан қандайдир нарсани олиб чиқадиган бўлса, ўғри саналган ва эри хотиржамлик билан унинг кулоқларини кесиб ташлаган. Эрининг ўлиmidан сўнг хотин тўла унинг оиласи ихтиёрида қолган ва унинг қариндошларидан бирига эрга те-



гишга мажбур бўлган.

Қадимги Перуда чиройли қизларни оксуякларга ўйнаш қилишган, қолганлари эса аёлларнинг катта ибодатхоналарида тўқувчи бўлганлар. Қадимги Русда никоҳ деган нарса умуман бўлмаган. Қизларни чекланмаган ададда олиб қочиш ва ўғирлаш йўли билан қўлга қиритганлар.

Арабларда Ислон келгунига қадар янги туғилган қизларни кўпинча тириклайин кўмишган. Яҳудийларда Мусо алайҳиссалом келгунларига қадар ҳар бир ота ўз қизини қилишувда белгиланган маълум муддатга ўйнаш қилиб сотиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ўринда қиз ҳеч нарсасига эга бўлмаган, бу сотувдан олинган пуллар тўлагигича ота ихтиёрига қилиб тушган.

Авалло айтиш лозимки, Ислон насронийлик ва яҳудийликдан фарқли ўлароқ аёл кишини Одам алайҳиссаломнинг осий бўлишларида айбламайди. Қуръонда бу ҳақда бирор-бир сўз айтилмайди. Унинг устига Қуръон бутун айб ва жавобгарликни Одам алайҳиссаломга юклайди: “Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга (Жаннатдаги бир дарахтга яқинлашмаслиги ҳақида) буюрган эдик, у (буйруқни) унутди ва Биз унинг учун касд-собиққадамликни кўрмадик...”, “...Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди...” (Тоҳа сураси, 115-121 оятлар).

Қуръонга асосан эркак ва аёл Аллоҳ олдида баробардир. Айни вақтда муслима аёл, шариатга мувофиқ, сиёсатда иштирок этиш, муҳим давлат лавозим ва мансабларини эгаллаш учун тўлиқ ҳуқуққа эга.

Муслима аёл нафақат илм олиш ҳуқуқига эга, балки у билим олишга мажбурдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм излаш ҳар бир мусулмон эркак ва мусулмон аёл учун фарз-дир”, - дея таъкидлаганлар.

Энди эса ўша Нишенинг сўзларини эсга оламиз: “Агар аёл кишида фанга қизиқиш уйғонса, демек, одатда унинг жинсий соҳасида нимадир маромида эмас”. Ёки Демокритнинг сўзларини эслаймиз: “Аёл киши фикр қилмасин: бу даҳшатлидир!”

Шариатга кўра, муслима аёл ўзининг мустақил даромад манбаига эга бўлиш ва маблағини ўз ихтиёрича сарфлаш ҳуқуқига эга. 13 аср ўтгачина Европа аёли ўзи учун бундай ҳуқуққа эриша олди! Англияда XIX аср охиригача ҳам эр ўз хотинининг шахсий мулкини ҳамда унинг ер-мулки ва мол-дунёсидан келадиган барча даромадларини истаганича тасарруф қилган.

Муслима аёл барча ижтимоий, сиёсий соҳаларда ва давлат сиёсатининг барча даражаларида тўлиқ овоз бериш ҳуқуқига эга. АҚШда аёллар ўзларининг сайлов ҳуқуқларига фақатгина 1920 йилда эришганликларини эслаш кифоя! Улар бу ҳуқуқни олишма-

ган, балки бунга манифестациялар, иш ташлашлар йўли билан эришганлар.

Ислонда аёл киши ажрашиш ҳуқуқига эга ва эрининг зулмларига бардош беришга мажбур эмас. Ҳар қандай моддий ёки маънавий зарар аёл кишига маҳкама орқали бериладиган ажрашиш учун етарли асос ҳисобланади.

Шуни қайд этамизки, ажрашиш мусулмон киши учун катта моддий харажатларни келтириб чиқаради. Эр фарзандларини тўлиқ таъминлаши, собиқ хотинига уларнинг тарбияси учун ва маълум муддатгача боқиши учун пул тўлаши, уй ижараси ҳаққини тўлаши шарт. Эр никоҳнинг сақланиб қолишидан моддий ва маънавий жиҳатдан манфаатдор. Ислон дунёсининг мустаҳкам оила занжирлари билан донг таратгани бежиз эмас.

Ислон дини ғоявий душманларининг севимли мавзулари кўпхотинлилик масаласидир. Уларни тингласанг, худди кўпхотинлилик Ислон қилиши билан пайдо бўлгандек тасаввур уйғонади.

Кўпхотинлиликка тақиқни Рим Черкови жорий қилган. Бунда у битта қонуний хотинга эга бўлиш билан бир вақтда аввал Қадимги Юнонистон ва Римда гуркираган фоҳишаликка ва чекланмаган ададда ўйнашларга эга бўлишга йўл қўйувчи юнон-рим маданияти нормалари ҳамда черков қонунларини уйғунлаштиришга интилган.

Араблар ва славянлар дохил бошқа кўплаб халқлар чекланмаган ададли хотинларга эга бўлишлари мумкин эди.

Шундай экан, Ислон аллақачондан бери мавжуд бўлиб келган кўпхотинлиликни фақат тасдиқлаган ва айни пайтда бунинг катъий чегараларни ҳам ўрнатган.

Кўпхотинлилик Ислонда мажбурий амал эмас. Қуръон агар эркак аёллари ўртасида моддий таъминот, уй-жой билан таъминлаш, эътибор ва ғамхўрлик жиҳатларидан тўлиқ адолатга риоя қилишга қодир бўлса, унга тўрт нафаргача хотинга эга бўлишга рухсат беради. Боз устига Ислон агар эркак аёлни уй-жой билан ва моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлмаса, унга ҳатто бир хотинга эга бўлишни ҳам ман қилади.

Шундай қилиб, Ислон кўпхотинлиликни алоҳида вазиятларда йирик устунликка эга бўлган объектив воқелик сифатида тасдиқлаган.

Ҳозирги вақтда ғарб мамлакатларида норасмий кўпхотинлилик тарқалган: эркак бир аёл билан қайддан ўтказилган никоҳга эга бўлгани ҳолда, амалда бир неча ўйнаш билан бирга ҳаёт кечиради. Ўйнашлар ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслар ва исталган вақтда кераксиз буюм сифатида улоқтириб юборилиши мумкин. Аёлнинг ўзи учун нима афзал - қонуний хотин бўлиши ёхуд хотини бор эркакнинг атрофдагилар нафратига қолувчи махфий тарзда бирга яшовчиси, ҳуқуқсиз чўриси, ўйнаши бўлиши?!

Ислон қизни ўзининг розилигисиз эрга беришни ман қилади. Қизнинг розилигисиз тузилган никоҳ, шариатга кўра, ноқонуний, бекор саналади. Қиёслаш учун айтишимиз мумкинки, Россияда 1861 йилгача крепостной деҳқонларнинг қизларини помешчиклар буйруғи билан эрга беришган ва уларга инсон билан эмас, мол билан қилинадиган муомалада бўлишган.

Энг қизиқарли жиҳати шундаки, мусулмон олимлар фикрига кўра, аёл киши ҳатто кир ювиши, тозалаш ишлари, овқат пишириш бўладими – умуман уй ишларини қилишга ҳам мажбур эмас. Бу агар ўзи рози бўлса, хотиннинг ихтиёрий хизмати бўлади. Рози бўлмаса, эр хизматчи аёл ёллаши лозим бўлади. Айтганча, бу Доғистон аҳолиси тутган мазҳаб бўлиш Шофиъий мазҳабининг ҳам фикридир.

Ушбу киска таҳлил натижасида Ислоннинг аёл киши ҳуқуқларини ҳимоя қилиши дадили равшан бўлади. Бу ҳуқуқларни билиш лозим. Ўзини мусулмон деб ҳисобловчи, лекин аёл кишига ёмон муносабатда бўлувчи киши Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзларини ёдга олсин: “Аёл кишини фақат яхши ҳулқ эгасигина ҳурмат қилади ва фақат пасткаш одамгина таҳқирлайди!”

**Нозимжон ҲОШИМЖОН.**



# БЕҒОҶЧА

Хотин-қизлар саҳифаси

Баҳор қўша-қўша байрамларни етаклаб келади. Кўкламнинг илк айёми 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамини ҳар йили кўтаринки кайфиятда нишонлаймиз. Тинч, обод юртга байрамлар, тўйлар ярашади-да. Айниқса, меҳр ва гўзаллик айёми бўлган ушбу сана юртимиз аёллари учун алоҳида аҳамиятга эга. Мунис онажонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизга муҳтарам Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор, ғамхўрликлар, имтиёзлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзиди. Дунёдаги ҳеч бир давлатда аёлларга бизнинг мамлакатдагидек меҳр, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмайди, десак, муболажа бўлмайди. Вилоятимиз аёллари ҳам ана шундай эътироф ва эъзозга лойиқдирлар. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Наргиза ТОЖИБОЕВА билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.



## Кўкламнинг илк айёми — зоят шукуҳли

— Наргиза Келдибековна, Сирдарё аёлларининг бузғини кўриб, хайрли юмушлари ҳусусида сўзлаб берсангиз.

— Ҳар бир Ўзбекистонлик ўзи яшаб турган овоз ва мустақил Ватани билан фахрланади, кўк-сида шундай гўзал, жаннатмакон мамлакатнинг фуқароси бўлишдек ғурурни туйиб, обод ҳамда фаровон ҳаёт кечириш, буюк келажакни яратиш этиш йўлида фидокорона меҳнат қилади. Бу ватанпарварлик туйғулари эса бевосита она алласидан фарзанд калбига муҳрланиб боради. Шундай экан, бугун давлатимиз раҳбари томонидан аёлларга қаратилаётган эътибор ҳам бежизга эмас. Бизнинг мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз ҳамда давлатимиз томонидан ҳар бир соҳа ривожига хотин-қизларининг ўрни алоҳида эканлиги эътироф этилади.

— Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, — дея қайд этди муҳтарам Президентимиз яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида.

Юртимиз хотин-қизлари ҳаётида рўй бераётган барча ижобий ўзгаришларни, улар учун яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ва ғамхўрликларни вилоятимиз аёллари мисолида кўриш мумкин. Энг аввало, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, иш билан бандлигини таъминлаш, рўзғори обод бўлиши, фарзандларини билимли, маънавиятли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашларига имкон яратиш, соғлом турмуш тарзига эришиш, тадбиркорлик борасидаги фоллятларини қўллаб-қувватлаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятимизнинг қайси бир ҳудудига бормайлик, маҳаллаларда бу борада саъй-ҳаракатлар қилинаётганлига, муаммолар ўз ечимини топаётганлигига гувоҳ бўламиз. Йиллаб уйда бекор ўтирган аёллар бугун ишли, касб-хунар эгаси бўлиб, рўзғорига барака киришига ҳисса қўшишмоқда. Биргина Гулистон туманидаги Аҳмад Яссавий маҳалласида фаолият олиб бораётган ўқув марказида 15 дан зиёд турли йўналишларда касб-хунар ўрганиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Бу ерда устоз-шогирд мактаби фаолияти йўлга қўйилган. Марказда ўқиб, хунар ўрганишлар айна пайтда турли ҳудудларда, ўз маҳаллаларида мустақил меҳнат қилишмоқда.

— Аёллар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Юртимизда Муҳтарам Президентимиз томонидан ўтказилаётган турли йиғинлар, видеоселекторларда гендер тенглигига эришиш, жамиятда аёллар ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш, унинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзига эришиш, фарзандларини билимли, маънавиятли қилиб тарбиялашларини учун шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор вазифалар масалалар белгилаб берилган. Айниқса, кейинги пайтда ҳар бир ҳудудда “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, унга қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганлар киритилиши ва манзилли иш йўлга қўйилиши алоҳида таъкидланмоқда. Айниқса, кейинги пайтда маҳаллабай ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқармамиз вакиллари шаҳар ва туманлар бўлимлари ходимлари билан бир-галикда маҳаллардаги ҳар бир хонадонга кириб, оиланинг аҳоли, яшаш тарзи соғлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, аёллар ва ёшларнинг иш билан бандлиги, томорқаси бор ёки йўқлиги, бор бўлса (агар кишлоқ жой бўлса), ундан қандай фойдаланилаётганлиги каби масалалар кўриб чиқилиб, бу борада муаммо учраса, ечимини топишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан туман ва шаҳарларда, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари лавозимининг жорий этилиши маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш ҳамда бу борада аниқ режаларни амалга оширишга имкон бермоқда. Улар орасида билимли, тажрибали, ишнинг кўзини билган, эл билан тиллашиб, кўнглига йўл топадиган опа-сингилларимиз аёлларнинг ҳам борлигидан хурсандимиз.

Сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини кенг миқёсда молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биз бу ишда бор қучимизни сарфлашга ҳаракат қилаёмиз. Агар ҳар бир аёлнинг муаммоси ҳал этилсагина уларнинг ҳаёт йўлларида қокилмасдан тетик кадам ташлаши учун имконият эшикларини очилади.

Мунис онажонлар, азиз опа-сингиллар, дилбар қизлар, дилкаш дугоналар, барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этамиз. Кўклам барчангизга эзгуликлар, яхшиликлар, гўзаллик ва фаровонлик олиб келгани рост бўлсин.

Суҳбатдош:  
Ҳолида ПАРДАОЕВА.

## Сизнинг меҳрингизга суяндим

Шукурким яратган тийрак кўзни берган,  
Мунаввар бир чехра, ой юзни берган,  
Табаррук калима – рост сўзни берган,  
Суян, деб, Сизлардек чин дўстни берган,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Осуда ҳар тонгга шукрона айтдим,  
Хотиржам ҳар онга шукрона айтдим,  
Давронга, замонга шукрона айтдим,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Ҳаёт синовлари элаб турганда,  
Юрак бағрим қонга белаб турганда,  
Беморлик жонимни тилаб турганда,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Умр бу норавон йўллар эканда,  
Ҳақ бўлсанг, ҳақ ўзи қўллар эканда,  
Кимлардир йўлимга тикон эканда,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Ҳақ исми тилимда тиловат бўлди,  
Пок ният дилимда ҳидоят бўлди,  
Умримнинг мезони адолат бўлди,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Ожиз ниҳол эдим, чинорман бугун,  
Кулбайдим, юксалдим, минорман бугун,  
Сиз борсиз, тоғлардек викорман бугун,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Жилгайдим, улғайдим, дарё бўлдим мен,  
Ҳикматга айландим, доно бўлдим мен,  
Гох маънос, гох мағрур дунё бўлдим мен,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Талпинган манзилим – Сиз, яқин-йироқ,  
Яхшиликка чорлаб турган кўнғирок,  
Ўчмайди кўнглимда Сиз ёққан чироқ,  
Сизнинг меҳрингизга суяндим.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА.

### Шукроналик

## Бу кунларга яна етдик

Мана, ниҳоят узок танаффусдан сўнг Умра зиёратига боришга рухсат берилди. Бундан икки йил аввал “COVID-19” пандемияси туфайли эълон қилинган карантин боис Ҳаж ва Умра зиёратлари вақтинчалик тўхтатилган эди.

Яхши ният қилинса, Аллоҳ етказди, деганларидек, бутун дунё мусулмонлари қатори юртдошларимиз ҳам ушбу кунларни интиқлик билан кутишди. Яратганга шукрки, ниҳоят шу дамларга етдик. Яқинда вилоятимиздан муқаддас қадамжолар бўлган Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррамага йўл олган биринчи гуруҳдаги 48 нафар зиёратчи қаторида мен ҳам борлигим учун Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсин.

Касбим ўқитувчи. Кўп йиллар Боёвут туманидаги 36-мактабда бошланғич синфларга дарс бердим. Ҳозир пенсияда бўлсам ҳам эл хизматидаман. Неча йилдан бери бу зиёратга боришни интизорлик билан кутган эдим. Карантин сабаб бу ниятимиз бироз ортга сурилди. Лекин эзгу ишнинг кечи йўқ.

Зиёратчилар учун зарур бўлган барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Қўлимизга зарур ҳужжатлар ва самолёт чиптаси берилганида, тўғриси, зиёратга бораётганимизга ишонгим келмасди. Гуруҳимизга Боёвут тумани бош имом-хатиби Файзулла Эшбеков етакчилик (эликбошилиқ) қилди. Бизни вилоят жоме масжиди, кейин Тошкент халқаро аэропорти ходимлари ҳурмат билан кузатиб қўйишди.

Дастлаб Мадинада 3 кун туриб, дунёдаги энг катта масжидлардан бири саналган Равза масжидида Аллоҳ шу қутлуғ жойларга етаганига шукрлар айтиб, ибодатлар қилиб, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қабрларини зиёрат қилдик, намозлар ўқидик.

Кейин Макка мукаррамада эҳромга кириб, бир ҳафта давомида Умра амалларини адо этдик. Ибодатларни қилар эканмиз, руҳиятимиз покланиб, кўнгилларимиз равшан тортди. Ана шу лаҳзаларда бизни бу табаррук манзилларга келишимиз учун барча шароитларни яратиб берган Юртбошимизга, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига, вилоятимиз вакилчилигига чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Бизнинг юртимизда хотин-қизларга яратилган имтиёз ва имкониятларга бир мисол шуки, Умра зиёратига борган гуруҳимиздаги қирқ саккиз кишидан йигирма тўққиз нафарини аёллар ташкил этди.

Барча яхши ниятли инсонларга шундай қутлуғ қадамжоларга боришлик насиб этсин. Вилоятимизнинг кўзгуси саналган “Янги Сирдарё” газетаси орқали барча опа-сингилларимизни хотин-қизлар байрами билан табриклайман.

Санобар УСМОНОВА,  
Боёвут тумани отиноийси.

## Қатра

## Мингга киринг, энажон

Менинг катта энам бор. Яқинда 97 ёшни қаршиладилар. Катта энам шу қадар пиру бадавлатки, одамнинг ҳаваси келади. У кишининг набираси, яқинда набирали бўлди. Чевараси фарзандли бўлди. Жами қариндошлар йиғилсак, бир кишлоқ одам бўламиз. Тўй-маъракаларимизда ҳовлимизга одам сизмай кетади. Энам эса худди бошимиздаги тожимизга ўхшайди. Бундай дийдор онларида ўзимни жуда бахтиёр ҳис қиламан. Тоға, хола, амма, хуллас, ҳамма йиғилганда, уйимиз катта шодиёнага тўлади. Айтинг, инсон учун бундан катта бахт борми?

Бизга шундай бахтни тортиқ этган энажонимга чексиз раҳматлар бўлсин. Мингга киринг, энажон. Яқинлашиб келаётган 8 март байрамнингиз муборак бўлсин.

Жавҳарбек ИСМОИЛОВ.



Баҳор келди элимизга,  
Қувонч тўлди дилимизга...

Кимё бўйича Нобел мукофоти эгаси Азиз Санжар саҳифасидан олинди:

“Бир шаҳар учун уч нарса – чиқиндийўл, ҳаммом ва кутубхона жуда-жуда зарур. Чунки чиқиндийўл шаҳарнинг кирини, ҳаммом баданнинг кирини, кутубхона эса руҳнинг кирини тозалайди”.

Фотих Султон МЕҲМЕТ ХОН

## Аёл ҳақида буюклар таърифи

- Аёл латофатини уч нарса йўққа чиқаради:  
- қайсарлик;  
- асабийлик;  
- баланд овоз;

Уильям Шекспир

- Аёлнинг гузаллиги кўринмайди, у кашф этилади.

Махбубий

- Аёл — бу меҳрибон она.  
Аёл — бу гузаллик ва латофат.  
Аёл — бу энг ширин муҳаббат.  
Аёллар — бу ердаги фаришталар.  
Аёлларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин.  
Уларсиз ҳаёт сувсиз дарё-ю гулсиз гулзорга ўхшайди.  
Ойсиз тун-у қуёшсиз кунга, мусикасиз кўшиг-у маъносиз шеърга ўхшайди.

## Отанинг синовни

Ота ўлиmidан олдин ўғлига деди: “Мана бу соат 200 ёшда. Буни менга бобонг берган. Буни сенда қолдиришимдан аввал соат дўконига бор-да, буни сотмоқчилигини айт ва баҳоси қанчалигини билиб кел”

Ўғил соат дўконига бориб, келиб, отасига деди: “Соатсоз “атиғи 5 долларга оламан” деди. Сабаби, жуда эски экан”.

Ота деди: “Заргарга бор”.

Ўғил заргар олдида келиб, “У 10 доллар бер-

моқчи”, деди.

Ота: “Музейга олиб бориб кўр”.

Ўғил музейга борди ва қайтиб келиб, отасига деди:

“Улар менга шу бир бўлак нарса учун миллион доллар таклиф қилишди”.

Ота тушунтирди: “Мен сенинг билишингни хоҳладимки, мухит тўғри танланса, қобилиятинг ҳам тўғри қадрланади. Ўзинг нотўғри жойда турволиб, қадрламаганлардан ғазабланма. Ўз қадрини билган, ўз жойини ҳам билади!”

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### “БАХТ-Х” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2022 йил 2 апрель куни соат 11.00 да “БАХТ-Х” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларини навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилишини маълум қилади.

**Манзил:** Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Бахт шаҳри Улуғ йўл кўчаси, 7-уй, “БАХТ-Х” МЧЖ мажлислар зали

#### КУН ТАРТИБИ:

1. “БАХТ-Х” МЧЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.
2. “БАХТ-Х” МЧЖнинг янги тахрирдаги таъсис шартномасини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишга қатнашувчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки уларнинг вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Кун тартибдаги масалалар бўйича ахборот материаллар билан таъсисчилар жамият маъмуриятида танишишлари мумкин.

**“БАХТ-Х” МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.**

### НОМЗОДЛИККА РЎЙХАТДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Сирдарё вилояти Фавкулдда вазиятлар бошқармасига ҳарбий хизмат учун ҳамда хизматчи лавозимига номзодликка рўйхатдан ўтиш тартиби тасдиқланганлиги муносабати билан, ишга кириш истагини билдирган номзодлар 2022 йил 28 февралдан бошлаб номзодликка рўйхатдан ўтиш учун Гулистон шаҳар Халқлар дўстлиги кўчаси, 104 уйда жойлашган бошқарма биносига келиб, саволлар билан танишиб тест, синовларида иштирок этиб номзодликка рўйхатдан ўтишлари белгиланди.

Шу муносабат билан 2020-2021 йиллар давомида бошқарма КТ ва МИБга келиб мурожаат қилган ҳамда ишга кириш истагида бўлган фуқаролар 2022 йил 28 феврал кунидан бошлаб бошқарма биносига келиб саволлар билан танишиб, синовда иштирок этишлари мумкин.

Фуқаро Абдурайимов Раббимқул Рахбарович номига Тошкент Педиатрия медицина институти томонидан 1994 йилда берилган 021255 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Абдурайимов Раббимқул Рахбарович номига Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан 2005 йилда “Анестезиология ва реаниматология хизматининг шошилини тиббий ёрдам тизимидаги ўрни ва жиҳатлари” бўйича 144 соатлик малака ошириш цикли бўйича берилган 9559 кайд рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Абдурайимов Раббимқул Рахбарович номига Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан 2000 йилда “Урология, хирургия, куйиш ҳолатларида анестезия ва реанимация” бўйича 144 соатлик малака ошириш цикли бўйича берилган 09453 кайд рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Абдурайимов Раббимқул Рахбарович номига Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан 2002 йилда “Анестезиология ва реаниматология” бўйича 288 соатлик малака ошириш цикли бўйича берилган 2485 кайд рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Абдурайимов Раббимқул Рахбарович номига Тошкент Педиатрия медицина институти томонидан 1995 йилда “Болалар анестезиологи ва реаниматологи” мутахассислиги бўйича берилган 0415 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Рузикулова (Маллаева) Феруза Алибековна номига Сайхунбод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда берилган 0214135 рақамли аттестат (шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Эржигитов Жамшид Сайдуллаевич номига Гулистон шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда берилган О'Р-ШН 0213578 рақамли аттестат (шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Умарова Кондинисо Абдурашуловна номига Сайхунбод туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1990 йилда берилган А 044363 рақамли аттестат (шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Иргашева (Мустафакулова) Шоира Самикуловна номига Янгиер тиббиёт (аввалги Янгиер тиббиёт билим



юрти) коллежи томонидан 2001 йилда берилган 449427 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Нуралиев Улуғбек Рисбек ўғли номига Гулистон давлат университети томонидан 2018 йилда берилган В 1016718 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Муртазакулов Сирож Баходир ўғли номига Боёвут агросаноат касб-хунар коллежи томонидан 2018 йилда берилган К 5183400 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Шохимардонов Жаҳонгир Одилжон ўғли номига 3-Боёвут кишлоқ хў-

жалик касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда берилган 2990629 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Абдуев Фаррух Раимқулович номига вилоят ИИБ Молиявий таъминот хизмати Пенсия таъминоти бўлими томонидан 2014 йилда берилган 2481-сонли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

\*\*\*

Фуқаро Исмаилова Дилбар Абдуқуддусовна номига Гулистон давлат (аввалги F.Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институти) университети томонидан 1992 йилда берилган ЦВ 784499 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“Янги Сирдарё” газетаси тахририятига иш юритувчи лавозимига ишга таклиф этамиз.  
Мурожаат учун телефон:  
(99) 460 50 08.





## Мени кўкка олиб учинг

### Ошиқларга

Эрам каби бўстониинг гулзориға йўлим йўқ,  
Кўлларингдан тутмокка журъат қилар  
Сенсиз ўзим йўқдирман, сенсиз  
Ўлай, десам, ўлмадим, ошиқларга  
Ўлим йўқ.

Энди пинхон қаддингни соғинмокка  
Ошиқман-у, ошиқлик даъвосидан  
Дарди бедаво ошиқ давосидан махрумман,  
Ўлай, десам, ўлмадим, ошиқларга  
Ўлим йўқ.

Тунлари чўғ устида куйиб кетди бир  
Куюк дилнинг кулгуси рост бўларми,  
Мажнундан баттар хароб бўлганида  
Ўлай, десам, ўлмадим, ошиқларга  
Ўлим йўқ.

Энди мени қоп-қора тун севсин,  
Хазон ёки кўнглимдек кул севсин,  
Нега яшаб юрибман қадди гул,  
Ўлай, десам, ўлмадим, ошиқларга  
Ўлим йўқ.

Тупрок бўлай, лоақал изинг тушиб ўтар-ку,  
Товонинг қучиб олсам, кўзинг тушиб  
Сўз билан қойиб қоксанг, сўзинг  
Ўлай, десам, ўлмадим, ошиқларга  
Ўлим йўқ.

### Бу дунё

Бу дунё арзimas фидо бўлишга,  
Бандасан, уринма худо бўлишга.  
Хар неки тақдирдир Аллохдан бўлар,  
Шоҳмисан, тайёр тур гадо бўлишга.

Бойликка ишонма, омонатдир у,  
Бахт қушин кутмагин ҳикоятдир у.  
Чинакам давлату обрў истасанг,  
Сабру меҳнат, тоқат, қаноатдир у.

### Йигит қасам ичмайди

Рост сўзлагин, дейдилар бошга қилич  
Тўкилиб тушар тоғлар мард кўзига  
Ёлғон иймонни ейди, асрасин ҳақ  
Йигит қасам ичмайди, йигитнинг  
Сўзи қасам.

Ваъдага вафо қилиш йигит иши азалдан,  
Нонидан лабзи халол белда  
Суратимас, сийрати обрў топар элда ҳам,  
Йигит қасам ичмайди, йигитнинг  
Сўзи қасам.

Оқ рўмолли ой қизнинг бахтидир  
Оила салтанатин, тахтидир асил йигит,  
Отасининг қаноти, шахдидир асил йигит,  
Йигит қасам ичмайди, йигитнинг  
Сўзи қасам.

Сўз бериб бажармаса, қиздан  
Баҳордек сочилмаса, қуздан  
Халол лабзига қараб, сарасин  
Йигит қасам ичмайди, йигитнинг  
Сўзи қасам.

Ори йўқнинг даврада жойи остона бўлар,  
Дўсти бўлмайди унинг, бахти  
Эсиз йигит, деган ном, кўнгли  
Йигит қасам ичмайди, йигитнинг  
Сўзи қасам.



Ёр ҳусни жилвагар, ўтиб кетади,  
Нафс ёмон ҳийлагар, ютиб кетади.  
Мард бўлгин мардларга кулади толе,  
Эгилсанг, бу замон тепаб кетади.

Кўнглингда дўзаху жаннатдан сўзла,  
Аллох ато этар, кўр бахтдан сўзла.  
Тилингни жиловла, кўнглингда қўлга ол,  
Иймон ато этар зўр тахтдан сўзла.

Бу дунё арзimas фидо бўлишга...

Кўнглим билан иши йўқ қанча худо  
Кўмагим керак бўлса қайда бўлсам  
Юмушлари битгач сўнг тик бокиб ё  
Ҳаққимга қўл узатсам қўлларимни  
Бехабар, топдилар.  
Ал-ҳазар, чопдилар.

Боғ яратиш мушқулу вайрон қилмок  
Макон бергандан кўра сарсон  
Иймон сақлаб юришдан гумон  
Ҳаққимга қўл узатсам қўлларимни  
Осон-да, қилмок осон-да,  
Чопдилар.

Шум нафсининг гирдоби тортиб  
Мол дунёнинг панжаси тўсиб турар  
Аввал қасамлар ичиб сўнгра бузиб  
Ҳаққимга қўл узатсам қўлларимни  
Кетган ўзларин, кўзларин,  
Чопдилар.

Қўл узатар кўп экан пишиб турган  
Тегма десанг минг битта бало кела  
Гиёҳ унса узай деб боқар ҳатто тошингга,  
Ҳаққимга қўл узатсам қўлларимни  
Ошингга, бошингга,  
Чопдилар.

Мақр қилар ўзича маккоррок зот бор асли,  
Жабр қилса бошига солгучи зот бор асли.  
Мен олмасам ҳаққимни олгучи зот  
Ҳаққимга қўл узатсам қўлларимни  
Бор асли, чопдилар.

Гулим, баҳоримиз, ёшимиз ўтди,  
Чалинди, чалинди, созимиз ўтди.  
Нима ўтган бўлса, розимиз, ўтди,  
Энди ғунчаларни кузатмок қолди.

Шамолларга бир-бир баргимиз бердик.  
Ёмғирларга хушбўй бағримиз бердик.  
Офтоблар куйдирди, рангимиз бердик,  
Энди дардларимиз тузатмок қолди.

Ортимизда қолар боғлар омонат,  
Кўнглимизни эзган доғлар омонат.  
Ёнма-ён ўтирган чоғлар омонат,  
Ҳар лаҳзамиз аяб, безатмок қолди.

Шукр, баҳорларнинг тафтини сездик,  
Умр дарёсида ёнма-ён суздик.  
Ўтар дунё экан, ўтишин билдик,  
Энди дуога қўл узатмок қолди.

Гулим, охирагани безатмок қолди...

### Етдим, деганимда

Ҳайдалдим гулёрнинг остонасидан,  
Таъналар отилди қошонасидан.  
Изланг девоналар вайронасидан,  
Етдим, деганимда, йиқилдим ёмон.

Айт менга, маккора, айт, бағритош ёр,  
Билмасминг, менда фақат шу ишқ бор.  
Айбимни билмасдан ўйладим бедор,  
Етдим, деганимда йиқилдим ёмон.

Тўлин ой, шу кеча сен ёнимда қол,  
Севиб гуноҳкорман, суйиб гуноҳкор.  
Кўнглим учун кетма, демади дилдор,  
Етдим деганимда йиқилдим ёмон.

### Назм дафтаридан

#### Ёлғон дунё

Вакт ўтиб, чиройнинг ранги ўзгарди,  
Пешонангга йиллар ажин соларкан.  
Ёшлик ёмғирдайин ёғди ўтди,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.

Кеча тилло сочиб ўйнаган зотлар  
Бугун ночорликдан индамай додлар.  
Денгизин соғиниб йиғлар қирғоқлар,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.

Болам, деб, ўртаниб, куйганлар қанча,  
Онам, деб ўпкаси тўлганлар қанча.  
Ҳатто сув турмайди ичсанг баданда,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.  
Одам узилмаган ҳовли энди бўш,  
Иzzату икромлар ўтиб кетган туш.  
Қадринг тўкиларкан тўкилгандек тиш,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.

Гўзал ёр ҳуснидан сархушман, дедим,  
Менга тари йўқ, дилхушман, дедим.  
Кўнглимдан мўлтирар муҳаббат етим,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.

“Нафсинг занжирини узгину унут,  
Фурсатинг келишин озод бўлиб кут” -  
Деб, шивирлаб ўтди ёнимдан тобут,  
Дунё берганини қайтиб оларкан.

### Бургутлар

Атрофимда на пасткаш, на мард қолди,  
Юрагимда на орзу, на дард қолди.  
Тоғларга тенг бардошимдан гард қолди,  
Мени кўкка олиб учинг, бургутлар.

Телба истак исён қилар танимда,  
Бир дардкаш йўқ, ҳабибим йўқ ёнимда.  
Кун қолмаган мендайларга заминда,  
Мени кўкка олиб учинг, бургутлар.

Одил қушсиз, эркинғизни сотмаган,  
Мағрур қушсиз, ўлаккага боқмаган.  
Ким ҳам сизга ҳавас қилиб ёнмаган,  
Мени кўкка олиб учинг, бургутлар.

Имкон беринг, осмонни бир кўрайин,  
Мовий кўкда зўр мўъжиза тузайин.  
Ўлсам, сиздек қуш қўлида ўлайин,  
Мени кўкка олиб учинг, бургутлар.

### Увол

Дардим айтсам, дўстга ҳам малол,  
Нима қолди бағрингда халол?  
Душмандан ҳам ёмон чикди ёр,  
Дунё, сенга бу жоним увол.

Сийламадинг, суймадинг мени,  
Ўз ҳолимга қўймадинг мени.  
Етар, шунча қийнадинг мени,  
Дунё, сенга бу жоним увол.

Чапга боқсам, чапимда шайтон,  
Юрсам, етти йўлимда шайтон.  
Кучок очар бағримда шайтон,  
Дунё, сенга бу жоним увол.

Зарларингга зор қилиб  
Зўрларингга хор қилиб  
Яна айбни ўзимга  
Дунё, сенга бу жоним увол.

Рислиғой  
ХОТАМОВА



YANGI  
SIRDARYO

Бош муҳаррир:  
Муҳаммад  
ИСМОИЛОВ

Муассис: Сирдарё вилояти  
хокимлиги

2020 йил 25 июнда Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар агентлиги  
Сирдарё вилояти  
бошқармасида 10-023 рақами билан  
рўйхатга олиган.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Ўрибосар: (67) 225-11-14,  
бўлимлар: 225-01-92, 225-01-67,  
225-26-53, 225-12-59,  
реклама ва эълонлар: 225-15-07.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.

Газета “Янги Сирдарё” тахририяти компьютер марказида  
териблиб, саҳифаланди. А3 форматда, 12 саҳифада 3 босма табоқ  
офсет усулида “SHARQ” NMAKда 1500 нусхада чоп этилди.  
Босмаҳоиа манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон  
кўчаси, 41-уй. Тел.: (71) 233 11 07. Буюртма Г-326.

Бизга ёзинг: 120100. Гулистон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй.  
E-mail: sirdaryohaqiqati@mail.uz Веб-сайт: sirdaryo24.uz  
Telegram: @sirdaryo24 Facebook: sirdaryo haqiqati

Навбатчи:  
Х.ПАРДАБОВЕВА

Нашр кўрсаткичи 459.  
ISSN 2181-5984  
Тошириш вақти - 16.00  
Тоширилди - 20.00  
03.03.2022 йил

Тижорат материали  
Сотувда эркин иархда